



ХУНАРДА БУНЁДКОРЛИК ҲИКМАТИ

Ўқувчилар кўрик-танлов шартлари бўйича ўз кўли билан яратаётган ҳар бир буюмида ана шу синоатни яна бир бор кашф этди

Касб-хунар коллежларининг битирувчи ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келинаётган «Касб маҳорати» кўрик-танловининг республика босқичига келган ўқувчилар ўз хунарлари сирларини нечоғлик билишини яна бир бор синовдан ўтказди.

Кўрик-танловнинг «Умумий овқатланишни ташкил этиш» йўналиши бўйича баҳслар Тошкент менежмент ва технологиялар касб-хунар коллежида бўлиб ўтди.

— Танловни ўтказишдан мақсад, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази идоравий методик бўлими бошлиғи Жоникул Исоқов, — ўқувчиларнинг таълим муассасида уч йил мобайнида нечоғлик назарий ҳамда амалий билим олганликларини синовдан ўтказишдир.

Шундай қилиб, танловнинг республика босқичида «Умумий овқатланишни ташкил этиш» йўналиши бўйича дастлабки босқичларда тобланган 10 нафар ўқувчи иштирок этди. Улар бирин-



«Kasb mahorati — 2010»

чи шарт: тест синовларини бир соат вақт ичида бажаришга киришишди.

Танловнинг иккинчи босқичига ўтишдан аввал, ўқувчилар амалиёт пайтида рўй бериши мумкин бўлган техник хавфсизлик ҳақида маълумот олишди.

Айниқса, уларга, ишлаётган пайтда ошпазлик либосини талаб асосида кийиш, бош кийимини токи иш тугагунча ечмаслик, электр жиҳозларидан фойдаланиш-

да техник қоидаларга риоя қилиш кераклиги қаттиқ тайинланди.

Шундан сўнг ўқувчилар «Хала» нон тури, «Бифстроганов» чет эл таоми, «Бисквит» ширинлигини тайёрлашга чоғланди. Ҳар бир иштирокчига «Инструкция» технологик харита» топширилди.

— Харита — бу пиширилётган таомнинг таркиби, грами, порциясининг миқдори ҳисобланади, — дея изоҳ бе-

ради Ўзбекистон пазандалар ассоциацияси бош мутахассиси Суннатилло Сулаймонов. — Жумладан, Бисквит ширинлиги тайёрлаш харитасини олиб кўрамиз. Харитада ширинликни тайёрлашда керак бўладиган маҳсулотлар сони ҳамда миқдори кўрсатилган. Иштирокчилар тайёрлаётган Бисквит ана шу меъёрда, оғирлиги харитада белгиланган грамда бўлиши керак.

(Давоми 3-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

ТАЪЛИМ
ТИЗИМИ —
ЯНГИ
БОСҚИЧДА

3-бет

ЮКСАК
ЭЪТИБОРГА
МУНОСИБ
ЖАВОБ

5-бет

«ДУГОНАМНИНГ
ҚАЙЧИСИ
МЕНГА
ЁҚАРДИ...»

7-бет

«ВОЙНИЧ
ҚУЛЁЗМАСИ»:

сирли китобни
ўқишнинг урдасидан
чиқиладимиз?

12-бет

САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ: ИҚТИДОРЛАРНИ КАШФ ЭТДИ

Фарзанд тарбиясидаги омиллардан бири унинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш бўлса, кейингиси эстетик қарашларини шакллантиришдир. Зотан, санъат уни эзгуликка бошлайди, яқинларига — ота-онаси, дўстлари, туғилиб ўсган она-Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббатини уйғотади. Уйлаб қаралса, ёшлигида ҳеч бўлмаганда бир дона расмни ўхшатиб чизмаган, лойдан ҳар хил шакллар ясамаган киши кам топилса керак. Фақат бу иқтидорни вақтида ривожлантириш лозим. Шундагина кўзланган натижага эришиш мумкин.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт марказида мавжуд тасвирий ва амалий санъат, бадий-эстетик тарбия, техник ижодкорлик, экология, адабиёт ва бошқа йўналишлардаги тўғаракларга 27 минг нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар қатнашиб, ўз иқтидорларини намойиш қилишяпти. Пойтахтимизнинг ўзида 13та ўқувчилар ижодиёт марказининг фаолияти йўлга қўйилганидан асосий мақсад ҳам ўқувчи-ёшларнинг истеъдодини шакллантиришдир.

(Давоми 5-бетда.)

Кo'rgazma





2010-yil — Barkamol avlod yili

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Инсон саломатлиги омилларидан бири ўз вақтида тўғри овқатланишдир. «Соғлом она — соғлом бола» дастурида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилган. Республикамизда бу дастур ижросини таъминлаш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида «Овқатланиш меъёрлари» мавзусида ижодий иш — иншо ва расмлар танлови ўтказилди. Энг яхши иншолардан намуналар Ўзбекистон радиосининг «Келажак тонги» эшиттиришида ўқиб берилди.

— Мутахассислар соғлом ҳаёт тарзи учун 9 хил — витаминларга бой помидор, бодринг, ёнғок, наъматак, сарсабил, баргак, балик, сули ёрмаси, апельсин каби маҳсулотларни аниқлашган, — дейди танлов ғолибларидан бири Солиҳ Нигматов. — Мен чизган суратимда ана шу маҳсулотларга ҳамда «Нимани кам истеъмол қилиш керак?» масаласига ҳам эътибор бердим. Шамоллашга қарши коврак, наъматак, витаминга бой исмалоқ, жағ-жағ каби ўсимликлар ҳақида бундан сўраб билиб олдим.

Тошкент давлат тиббиёт педиатрия институтида эса танлов якунига бағишланган тадбир ташкил этилди. ТДТПИ илмий ишлар бўйича проректори, «Аҳолининг овқатланишини яхшилаш» маркази раҳбари Дилором Аҳмедова, халқаро Болалар ташкилоти аъзолари иштирокчиларнинг иншоларини, расмларини кўриб чиқиб, фахрли ўринларни аниқлашди. Унга кўра, Шайхонтоҳур туманидаги 157-мактаб ўқувчиси Солиҳ Нигматов биринчи, Балиқчи туманидаги 28-мактаб ўқувчиси Шоҳсанам Мирзажоннова иккинчи, Мирзо Улуғбек туманидаги 222-мактаб ўқувчиси Камола Ҳақимова учинчи ўринга лойиқ, деб топилди. Шунингдек, рағбатлантирувчи ўринлар каттакўрғонлик Наврўз Мирзаев (17-мактаб), юнусободлик Худора Иброҳимова, Дилшода Аввалбоева, Дилдора Раҳимхўжаева (274-мактаб), бекободлик Иноят Тошқулова (32-мактаб)га насиб этди. Ғолиблар ва уларнинг устозларига вазирликнинг фахрий ёрлик, қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

УНИВЕРСИТЕТДА «МЕХНАТ ЯРМАРКАСИ»

Ёш иқтидорларнинг ўз билим ва истеъдодларини намойиш эта олишлари учун кенг имкониятлар эшигини очиш ҳамда уларга бўш иш ўринларини яратиш бугунги кунда муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Шу мақсадда кеча Тошкент Халқаро Вестминстер университетида (ТХВУ) «Мехнат ярмаркаси» бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган давлат ва халқаро ташкилотлар ўз иш ўринларини битирувчи босқич талабаларига тақдим этди. Ўқув йили охирида ташкил қилинаётган «Мехнат ярмаркаси» иш берувчи корхоналар ва талабаларнинг манфаатини бирдек ҳимоя қилиши назарда тутилган.

Ушбу тадбирнинг асосий а-

борот ҳамкорлари мамлакатимиздаги энг йирик бизнес-портал — «UzReport.com» ва мехнат бозорига бир неча йилдан буён муваффақиятли фаолият юритаётган «UzJobs» рекрутинг хизмати ҳисобланади.

— Мана, 5 йилдирки, университетимизда «Мехнат ярмаркаси» мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Бу йилги ярмаркада ҳам 45та давлат ва халқаро ташкилоти, корхона ва фирмалар бўш иш ўринларига битирувчиларимизни таклиф этишмоқда. Аслида, ТХВУдаги касбга йўналтириш маркази бутун йил давомида фаолият олиб боради ҳамда республикаимиздаги турли корхоналар билан доимий равишда ҳамкорликни йўлга қўйган. Маълумот ўрнида яна шуни айтиб ўтмоқчиманки,

2002 йилдан буён университетимизни 600га яқин талаба таъмонлаган ва уларнинг 90 фоизи тўлиқ иш билан таъминланган, — дейди маркетинг бўлими етакчи мутахассиси Бердақ Байимбетов.

Мехнат ярмаркасини ўтказишда йилдан-йилга катта таърибага эга бўлиб келаётган университет касбга йўналтириш маркази ушбу тадбирни янада самарали ва фойдали ўтказишга интилиб келмоқда.

Иш берувчилар айнан шу кун битирувчиларнинг ўз йўналишлари бўйича ёзган битирув-малакавий ишлари тақдимотини кўздан кечириш ҳамда уларнинг билим ва иқтидорини бевосита баҳолаш имконига эга бўлдилар.

Шаҳина ЖЎРАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

ПРОФЕССОР — ЎҚИТУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида меҳнат қилаётган Низомий номидаги ТДПУ битирувчилари ҳақида ҳар доим илиқ фикрлар билдирилади. Сабаби, ўқув даргоҳида таълим мазмунини чуқурлаштириш ҳамда назария ва амалиётни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Университет профессор-ўқитувчиларининг талабаларга замон талабларига мос янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия беришга ётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу билан бирга замон билан ҳамнафас бўлиш мақсадида улар орасида ўзига хос таъриба алмашув тадбирлари йўлга қўйилганки, бу ўз навбатида дарс ва машғулотлар сифатининг ошиши ва самарадорликнинг юксалишига сабаб бўлаётир. Университет профессор-ўқитувчиларининг ҳар йили ўтказиладиган аънавий илмий-амалий конференциясини ҳам ана шулар сирасига киритиш мумкин.

Университет ректори Фазлиддин Ҳайдаров навбатдаги профессор-ўқитувчилар анжуманининг ялпи мажлисини очар экан, таълимни юксалтириш омиллари, хусусан, тизимга илғор технологияларни жорий этиш масалалари устувор вазифалар сирасига кириши, мазкур анжуманининг мазмун-моҳияти тўғрисида фикр юритди.

Ўқув даргоҳи профессори, тарих фанлари номзоди Мойли Лафасов «Ўзбекистонда демократик жамият қуришининг устувор йўналиш-

лари» мавзусидаги маърузасида фуқароларнинг асосий бурчларига батафсил тўхталди. Нотиқ жаҳонда таълимнинг «Ўзбек модели» сифатида тан олинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида талабалар билими ва ўқиш шароитларини жаҳон андозаларига мослаштириш мақсадида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилганини ҳам қайд этди.

Анжуманда, шунингдек, педагогика фанлари номзоди Азиза Мухсиеваннинг «Модернизациялашга ётган жамиятда миллий тарбия масалалари», психология ва педагогика факультети катта ўқитувчиси Феруза Алимованинг «Терроризм психологияси ва кризисли вазиятларда психологик ёрдам» мавзусидаги маърузалари ҳам қизиқиш билан тингланди. Маърузачиларга мавзу бўйича кўплаб саволлар берилди. Бу жараён ўзаро баҳс-мунозараларга айланиб кетди.

Куннинг иккинчи ярмида баҳс-мунозаралар 20та йўналиш бўйича шўбаларда давом эттирилди. Шўба йиғилишларида янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг ноанъанавий усуллари, ўқув жараёнига татбиқ этилаётган илғор таърибалар ҳақида чиқишлар қилинди.

Анжуман якунида шўба раислари ҳисоботи тингланди ҳамда йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

Курбонбой
МАТҚУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Tadbir



Самарқандда одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

КОМИССИЯЛАРНИНГ ҚЎШМА ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида вилоятда мазкур йўналишда изчил иш олиб берилмоқда. Кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари, идоралараро комиссия саъй-ҳаракати натижасида вилоятда йилнинг биринчи чорагида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайди. Бундай жиноятдан жабр кўрганлар аниқланиб, уларга зарур ёрдам кўрсатилди. Одам савдоси билан боғлиқ жиноят содир этиб қидирувда юрган шахсларнинг ўн нафари ушлангани маълум қилинди.

Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш борасидаги профилактик тадбирлар, ушбу иллатдан жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш ишлари, аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонунлар ижроси кўриб чиқилди. Бу борадаги ишларни янада фаоллаштириш лозимлиги қайд этилди. Мазкур йўналишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф

этиш юзасидан мутасадди идораларга аниқ вазифалар юклатилди.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, йигит-қизлар бўш вақтини мазмунли, фойдали машғулотлар билан ўтказишлари учун кенг имконият ва шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ёшлар иштирокида кўплаб кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўнлаб бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди ва тўққиз мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилди.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш ва бу борадаги тарғибот ишларини кучайтириш, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг дарсларга фаол қатнашишини таъминлаш, улар иштирокидаги маънавий-маърифий тадбирларни кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда Самарақанд вилояти ҳокими Х.Барноев қатнашди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

“БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — КЕЛАЖАККА ҒАМХЎРЛИК”

Фаргона вилоят ПҚҚТМОИда «Болаларга ғамхўрлик — келажакка ғамхўрлик» мавзусида йиғилиш бўлиб, унга таклиф этилган шаҳар, туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, ХТБ мудирлари, бошқарма ҳамда ВПҚҚТМОИ раҳбарлари халқаро ЮНИСЕФ ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбарияти билан учрашдилар.

Дастлаб вилоят ҳокими ўринбосари М.Хўжаеванинг «Болалар фаровонлигини ошириш ҳудудий дастури доирасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар» мавзусидаги маърузаси тингланди. Маърузачи ўз сўзида давлатимиз томонидан вилоятдаги мавжуд таълим муассасаларида болаларни замонавий стандартлар талаблари даражасида таълим олишлари ва уларга яратилган ижтимоий-ҳуқуқий шароитлар ҳамда кўрсатилаётган катта ғамхўрликлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистонда ислохотлар даврида мактабгача таълим йўналишида амалга оширилаётган ишлар МХҚМОРҰММ раҳбари Сабоҳат Миржалилованинг маърузасида чуқур таҳлил қилиб берилди.

Бошқарма бошлиғи З.Тешабоев ўз чиқишида йиғилиш иштирокчиларининг эътиборини шу йўналишда вилоят таълим тизимида амалга оширилаётган ишларга қаратди.

Марғилон шаҳар ҳокими ўринбосари Д.Мухаммедова эса илк ёшдаги болаларни ривожлантириш масалаларига интеграцион ёндашиш бўйича шаҳар миқёсида амалга оширилаётган ишлар ҳақида иштирокчиларга маълумот берди.

Анжуман сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар ва ишни янада ривожлантириш учун аҳамиятли таклифларни ўртага ташладилар.

МУХБИРИМИЗ



Фарзандни тарбиялаш, унга илм бериш, касб ўргатиш қадимдан энг масъулиятли вазифа саналган. Одоб-ахлоқ, ёши улугларга ҳурмат, меҳр-оқибат, оилага, киндик қони тўкилган заминга садоқат фазилатларини камол топтириш бола тарбиясида энг муҳим жиҳатлардан ҳисобланган.

Истиклол йилларида мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фарзандларимизни билимли, юксак салоҳиятли, жисмонан, руҳан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялашнинг яхлит механизми шакллантирилди.

Таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида бунёд этилаётган замонавий ўқув масканларида ёшларнинг чуқур билим олиши, касб эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Таълим жараёни тубдан ўзгармоқда. Ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, қобилияти, билим олиш салоҳияти инобатга олинган ҳолда, таълим жараёнига замонавий педагогик усуллар жорий этилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад — ёшларни шахс сифатида шакллантириш, онгини ўстириш, дунёқарашини бойитишдир. Зеро, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларда эътиқод, Ватан туйғусини камол топтириш тарбиянинг устувор йўналишларидандир.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидланганидек, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Айни шу вазифа биз, маорифчилардан катта масъулият ва маҳоратни талаб этади. Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб замонда, глобаллашув даврида яшамоқдамиз. Юксак технологиялар ривожланиб, инсон тафаккури бойиб бормоқда, ахборот алмашиш тез суръатларда ривож

топаётир. Ҳозир ер юзининг қайси бурчагида қандай воқеа рўй бергани ҳақида зум ўтмай хабар топиш имкони бор. Ана шундай ҳодисалар ва тарқалаётган ахборотларнинг мамлакатимиз ҳаётига, турмуш тарзимида таъсири йўқ, деб бўлмайди.

Бу жараёнлар мафкуравий таъсир ўтказишини ўзига хос қуролига айланиб бораётгани ҳам сир эмас. Турли сиёсий

беради. Албатта, буни ўқима, уни кўрма, бундан фойдаланма, деган бир ёқлама қарашлар билан фарзандларимизни бундай таҳдидлардан асраш қийин. Қолаверса, бу таълим-тарбия тизимига ҳам, бугунги замон талабларига ҳам мос келмайди. Юртимиз келажаги бўлган ёшларни ўз қобилига ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган комил инсонлар этиб тарбиялаш муҳим вазифамиздир.

Ёшларимизда биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубан иллатлар асоси-

2010-yil — Barkamol avlod yili

баробар қадам ташлаши, ўз фикрига эга, иродали ва фидойи инсонлар бўлиб улғайиши учун муҳим асос бўлади.

Қорақалпоғистон Республикасида жами 1 минг 205та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, 748та умумтаълим мактаби, 341та мактабгача ва 60та мактабдан ташқари таълим муассасаси, 30та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 21та мусиқа ва санъат мактаби, учта махсус мактаб-интернат ва битта Меҳрибонлик уйи

табда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди, 8та мактаб биноси янгидан қурилиб, 74тасида реконструкция ишлари амалга оширилди.

Буларнинг барчаси ёшларимизнинг замон талаблари асосида билим олиши учун хизмат қилмоқда. Бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда, мактаблар замонавий ўқув қуроллари, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Уларнинг барчасида ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қорақалпоғистондаги 221та мактаб ўқувчилари "ZiyoNet" тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга.


Айни пайтда таълим муассасаларида ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар мактабларда таълим-тарбияни уйғун тарзда олиб боришга хизмат қилаётир. Ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилаётган "Демократик жамят қуриш — асосий мақсадимиз", "Дин ва қонун", "Терроризмга йўл йўқ", "Ёшлар экстремизмга қарши", "Маҳалланг тинч — юртинг тинч", "Диний бағрикенглик — миллий қадриятлар асоси" каби қатор мавзулардаги суҳбатлар ёшларимиз учун ҳар томонлама фойдали бўлмоқда.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини кучайтириш, мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар юқори босқичга чиқди. Бу фарзандларимизни билимли ва юксак маънавиятли инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий самарасидир.

Бегдулла СУЛТОНОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси халқ
таълими вазири
(ЎЗА)

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ — ЯНГИ БОСҚИЧДА



кучлар ва марказларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган бундай ҳаракатлар биз тарбиялаётган ёш авлодга салбий таъсир ўтказиши, фарзандларимиз орасида носоғлом муҳитни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳар биримиздан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади.

Бугун ёшларимиз учун ахборот майдони тобора кенгайиб бормоқда. Улар ўқув даргоҳларида билим олиш билан бирга, радио, телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали дунёдан мунтазам хабардор бўлиб туриш имкониятига эга. Бу ёшларимиз онгини заҳарлашга қаратилган турли маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг хавфи ортиб бораётганидан дарак

га қурилган, башариятнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига таҳдид соладиган "оммавий маданият", ақидапарастлик ва бошқа ғаразли кучларга қарши туриш кўникмаларини шакллантиришни таълим-тарбия жараёнининг муҳим бўғинига айлантириш бу борада ҳар томонлама самарали йўлдир. Айни пайтда ёшларга пухта замонавий билим бериш баробарида, уларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, бой тарихимизга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёш авлод миллий ўзлигимизни чуқур англаши, замон билан

ёшларга таълим-тарбия беришда самарали фаолият юритмоқда. Таълим жараёни беш тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ ва туркман тилларида олиб борилаётир.

Таълим тизимига қаратилаётган эътибор самарасида Оролбўйида ҳам кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида ўтган йилларда республика бўйича жами 486та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, 27та мактаб биноси янгидан қурилди, 400та дан ортиқ мактаб капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди. ўтган йилнинг ўзиде 165та мак-

ҲУНАРДА БУНЁДКОРЛИК ҲИҚМАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бисквит тайёрлаш учун тухумларни идишларга қақиб солаётган Тошкент менежмент ва технологиялар коллежи ўқувчиси Абдулла Насриддиновнинг ҳаракатларини кузатиб, уни суҳбатга тортдик.

— Коллежимизнинг ишлаб чиқариш таълими устаси Тоҳир Мирмаҳмудов амалий машғулотларда доим бир гапни биз-шоғирдларига уқтиради. Ошпаз таом тайёрлашда адашмаслиги керак экан. Сабаби, инсоннинг саломат бўлишида тайёрланган овқатлар муҳим роль ўйнайди. Тўғри овқатланиш ҳам инсон саломатлигининг гаровидир.

Эътиборимизни асакалик иштирокчи Мадина Аюповага қаратдик.

— «Бифстроганов» таомини уйимизда бўладиган меҳмон кутиш тадбирида ҳам тайёрлаганимда кўпчилик мақтарди. Бироз ҳаяжонланяпман, аввалгиларига ўшатишга ҳаракат қиламан, — дейди у.

Мана ниҳоят маҳсулотлар пишиши учун электр печларга қўйилди. Навбат маҳсулотларни безашга келди. Ана шундан кейин таомлар дастурхонга тортилади.

Дарвоқе, тадбирнинг амалий шартини кўнгилдагидек ўтказишда Тошкент

ўқувчилар кўрик-танлов шартлари бўйича ўз қўли билан яратаётган ҳар бир буюмида ана шу саноатни яна бир бор кашф этди

менежмент ва технологиялар коллежида барча шароитлар яратилган экан. Айниқса, замонавий кўринишдаги ошхона буюмлари, чет элдан келтирилган INDOI, RONG русумдаги электр жиҳозлар шартни мукамал бажаришда қўл келди.

— Эта бўлимдан иборат ана шу «Пазанда» ўқув-ишлаб чиқариш лабораториясида коллежимиз ўқувчилари 14 нафар малакали ишлаб чиқариш усталаридан пазандалик сирларини ўрганиб, ҳар йилги танловларда фахрли ўринларни қўлга киритишган, — дейди коллеж директори З.Эрматов.

Ҳаяжонли дамларга ҳам навбат келди. Ҳакамлар ҳайъати дастурхонга тортилган тансиқ таомни татиб кўришди.

— Иштирокчиларни баҳолашда ўқувчининг ташқи кўринишига, санитария ва гигиена ҳамда техника хавфсизлиги, технологик хариталардан тўғри фойдаланиш, таомнинг эстетик кўриниши (ранги ва ҳиди), мазаси ҳамда констенция-



Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

«Kash mahorati — 2010»

сига кўпроқ эътибор бердик, — деб рейтинг натижаларини эълон қилади Тошкент кимё технологиялари институти доценти, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Умид Аҳоров.

Маҳсулот ҳамда таомларни энг яхши эстетик кўринишда тайёрлагани, технологик хариталардан тўғри фойдалангани учун Тошкент менежмент ва технологиялар касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Абдулла Насриддинов биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Самарқанд озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Ҳабибулло Самеий, бухоролик Инесса Азимова иккинчи, Навоий кончилиқ касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Алиса Ким, Чирчиқдан келган Шерзод Хонбобоев ҳамда Қўқон маънавий хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шукрилло Йўлчиев эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Танлов якунида ғолиблар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

«Касб маҳорати» Республика кўрик-танлови бошқа йўналишларда ҳам давом этапти.

Хулқар РАЖАБОВА,
«Ma'rifat» муҳбири



✓ ЯККАБОФ АГРОБИЗНЕС КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИГА ХУДУДДАГИ ЖАМИ 14ТА МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИ, УЛАРНИНГ ОТАОНАЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНИБ, ТАЪЛИМ МАСКАНИ ХАЁТИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШТИРИЛДИ.

Улар коллежнинг ўқув хоналарида, кутубхона ва спорт залида бўлиб, шарт-шароитларни ўрганишди. Меҳмонларга масканди 11та таълим йўналиши ҳақида керакли маълумотлар берилди.

Шундан сўнг коллеж раҳбарияти ота-оналар иштирокида йиғилиш ўтказди. Мажлисда йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

— Илм даргоҳимизда фарзандларимизнинг билим олишлари учун етарлича имкониятлар мавжуд. Ётоқхона йўқлиги боис, узоқ масофадан транспортда қатнаб ўқийдиган ўқувчи ҳамда ўқитувчилар учун хусусий транспортлар уюшмаси билан келишиб, йўл ҳақи арзонлаштирилди, — дейди директорнинг маънавий-маъ-

рифий ишлар бўйича ўринбосари Баҳодир Жўраев.

— Бугун шароитни ўрганиб, мактабни таъминлаётган қизимни ушбу коллежнинг тикувчилик ишлаб чиқариш йўналиши бўйича ўқитишга қарор қилдим, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири Дониёр Мусурмонов. — Биз болаларимиз тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз лозим, улар эртага ҳаётдан ўз ўринларини топишсин. Шу боис, фарзандларимиз ўқишса, илм эгаллашса, бирор касбни ўрганса, кам бўлмайди.

Йиғилиш ниҳоясида мактаб, коллеж ўқувчилари ва ўқитувчилари ўртасида волейбол бўйича мусобақа ташкил қилинди. Унда ғалабага эришган ўқувчилар муносиб тақдирланди.

Ғолиб БАХРОМОВ

✓ «ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ САЙТИ—2010» РЕСПУБЛИКА МАРАФОНИ ЎЗ НИХОЯСИГА ЕТДИ. КЎРИК-ТАНЛОВДАН МАҚСАД — ИНТЕРНЕТНИНГ UZNET ТАРМОҒИДА МАКТАБЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАН ИБОРАТ ЭДИ. НАТИЖАЛАРГА КЎРА, ТОШКЕНТ, АНГРЕН ШАҲАРЛАРИ, ФАРҒОНА, НАМАНГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИНИНГ ЖАМИ 18ТА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛДИ.

Танловда «Энг яхши электрон кутубхона», «Энг яхши тадбирни мактаб веб-сайтида ёритиш», «Мактаб сайтида касбга йўналтирилган ишларни ёритиш» номинациялари бўйича мактаблар ўз сайтларини яратиш ва уни долзарб мавзулар билан бойитишга ҳаракат қилдилар. «Мактаб сайтида касбга йўналтирилган ишларни ёритиш» номинацияси бўйича Ангрэн шаҳридаги 34-мактаб-интернатнинг информатика фани ўқитувчиси Баҳром Йўлдошев яратган мактаб сайти ғолиб деб топилди. Мактаб-интернатнинг <http://detdomangren34.orgfree.com/> сайти «Болалар учун ва болалар ҳақида энг яхши мактаб сайти» деб топилди.

Сарвиноз ТУРДИЕВА, Ангрэн шаҳридаги 34-мактаб-интернат кутубхона мудираси



✓ Ўқувчилар маънавий оламини бойитиш, уларнинг мумтоз кўшиқларимизга меҳр-муҳаббатини ошириш мақсадида қорақалпоғистон республикаси ўқувчилар саройи томонидан турли-туман тадбирлар ўтказиб келинмоқда. ШУЛАРДАН БИРИ «ЁШ МАҚОМЧИЛАР» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИДИР.

Танловда республикамиздаги мавжуд 14та туман ўқувчилар ижодиёт марказларидан ўқувчилар қатнашди. Танлов дастуридан «Ўзбек халқ кўшиқлари», «Композиторлар тарафидан яратилган мақомлар», «Мақом дастуридаги кўшиқлар» ҳамда «Ўзбек халқ кўшиқларидан «Тановар», «Кўча боғи», «Эй нозанин» кўшиқларининг ижроси каби шартлар ўрин олди.

Кўрик-танловда Тўрткўл туман халқ таълими бўлимига қарашли ўқувчилар ижодиёт маркази гуруҳи 1-ўринни олишга муяссар бўлди. Гуруҳ раҳ-

бари Отажон Ҳожиёвнинг миллий меросимизни жондили билан ўргатгани, шунингдек, ўқувчиларнинг маҳорати ва меҳнати ана шундай муносиб баҳони олди, десак, хато бўлмайди. Айниқса 16-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Темур Шокировнинг ўзбек халқ кўшиқларидан «Яллама ёрим»ни ижро этгани кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Мунаввара ЮСУПОВА



✓ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 259-МАКТАБДА «МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ ЎҚУВ ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН «КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА» ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир доирасида ташкил этилган «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» расмлар танлови, «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» кўргазмаси ва ноанъанавий очиқ дарслар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Эътиборлиси, тадбирда ўқувчиларнинг фаоллиги сезилиб турди. Улар томонидан тайёрланган рефератлар, чизилган расмлар ҳамда тикувчилик намуналари ўқитувчилар ва ота-оналарда қизиқиш уйғотди. Очиқ дарсларда ўқувчиларга миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз ҳақида кенг маълумот берилди.

Суратда тадбирдан лавҳа акс этган.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

✓ ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИДА ҚАДИМДАН ТУРЛИ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ВАКИЛЛАРИ, МАДАНИЙ ҚАТЛАМЛАР, ХИЛМА-ХИЛ ЭЪТИКОД ВА ДУНЁҚАРАШ СОҲИБЛАРИ ЁНМА-ЁН ЯШАБ КЕЛАДИ.

Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежида ҳам турли миллат вакилларининг фарзандлари таҳсил олишади.

Улар коллежда ўтказиладиган барча тадбирларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Яқинда ўқув масканида миллатлараро бирдамликни мустақамлаш мақсадида барча миллат вакиллари иштирокида «Бир замин ва бир замон фарзандларимиз» деб номланган сайил бўлиб ўтди.

Тадбирга Республикаимиздаги 150га яқин миллий маданий марказлардан меҳмонлар ташриф буюришди. Шундан сўнг ҳар бир миллат вакиллари ўз миллий урф-одатлари, қадриятларини театрлаштирилган томоша орқали намойиш этдилар. Хайъат аъзолари ҳамда меҳмонлар коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган миллий таомларни кўриб чиқиб, баҳо беришди. Деворий газеталар, миллий кийимлар кўргазмаси намойиши ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Турли номинациялар бўйича барча миллат вакиллари ғолиб деб топилди, дўстлик ғалаба қозонди. Уларга тадбир ҳомийси — Қизил ярим ой жамияти «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, тадбирда «Байналмилал» жамияти аъзоси, «Ниҳол» мукофоти совриндори, Озарбойжон маданият маркази аъзоси З.Орипова ўзининг дилрабо кўшиқлари билан барчага ўзгача кайфият бағишлади.

Салима СУВОНОВА

✓ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ШАРТЛАРДАН БИРИ УЛАРНИ АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИСЛАР ЭТИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШДИР. БУ БОРАДА БИЗГАЧА ЕТИБ КЕЛГАН МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК НАМУНАЛАРИНИ ЎРГАТИШ УСУЛИ АСҚОТАДИ. Ўқувчи бундан маънавий озуқа олади.

Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумтаълим мактабиде 20га яқин касб-хунар тўғараклари фаолият юритади. Умида Абдуазимова, Улфат Шоабдуллаева, Камола Хусанова бошчилик қилаётган зардўзлик, бадиий каштачилик, кулолчилик, рассомлик, бисер, шунингдек, ёғоч ўймакорлиги йўналишидаги тўғаракларга мактабнинг 70 фоиз ўқувчиси жалб қилинган. Яқинда бўлиб ўтган тўғарак ишларининг ҳафталик кўргазмаси ўқувчиларда касб-хунарга нисбатан қизиқишни янада оширди. Шунингдек, 6, 7, 8-синфлар ўртасида ўтказилган «Энг яхши иш лойиҳаси» танлови ҳам кўплаб иқтидорларни кашф этди.

Меҳрибон ПИРНАЗАРОВА

✓ ХХ АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ҲАҚЛИ РАВИШДА ЎЗ УСЛУБИ ВА ЙЎНАЛИШИГА ЭГА БЎЛГАН, ҲИКОЯ, ҚИССА ВА РОМАН ЖАНРЛАРИДА, ШУНИНГДЕК, ДРАМАТУРГИЯ СОҲАСИДА САМАРАЛИ ИЖОД ҚИЛГАН СЕРҚИРРА ИЖОДҚОР ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВНИНГ НОМИ АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАДИ.

Сурхондарё вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Шукур Холмирзаев ижодида ўзбеккона характер, урф-одатларнинг акс этиши» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуман адиб ҳаёти ва фаолиятига бағишланди. Унда институт «Филологик таълим» кафедраси мудир, профессор Саъдулла Жуманов «Серқирра ижод соҳиби», Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси Дилбар Нормуродова «Адиб ижодига бир назар», 13-мактабдан Машхура Норматова «Ҳамлет»ни ижро этган адиб», Бойсун туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси Самад Сафаров «Она

юртини, Бойсунни соғиниб яшаган адиб», Музработ туманидаги 11-мактаб муаллимаси Салима Турсунова «Шукур Холмирзаев ҳикояларида ўзбеккона миллийлик» мавзуларида ижодкор асарларида акс эттирилган ўзбек характери, меҳмондўстлиги, урф-одатлари, табиат тасвири ҳақида сўзлашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Шафоат Раҳматулло Термизий адибнинг тўрт жиллик ҳикоя ва эсселари, сайланма китоби чоп этилганлиги алоҳида аҳамиятга эғалигини айтиб ўтди.

Собиржон АШУРОВ. Термиз шаҳри

✓ ХХІ АСРДА ЯШАЁТГАН ҲАР БИР ИНСОН ЎЗИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИШИ МУМКИН ЭМАС. ШУ МАЪНОДА «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ V БЎЛИМИДА «ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, РАҚАМЛИ ВА КЕНГ ФОРМАТЛИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИНТЕРНЕТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, УЛАРНИ ҲАР БИР ОИЛА ХАЁТИГА ЖОРИЙ ЭТИШ ВА КЕНГ ЎЗЛАШТИРИШ» ВАЗИФАСИ БЕРГИЛАНГАН.

Давлат дастурининг амалда бажарилишини таъминлаш бўйича Самарқанд вилоятида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда вилоят ҳокимлиги, вилоят алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳудудий бошқармаси ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида шаҳар ва туманлардаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатаётган информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда бир ҳафталик семинар-тренинглари ташкил этилди. «Ахборот технологиялари ва Интернет» мавзусида ўтказилган ушбу ўқув семинарларида вилоятдаги шаҳар ва туманлардан 74 нафар педагоглар иштирок этишди. Семинар якунида тест синови ўтказилиб, барча тингловчиларга тегишли гувоҳномалар берилди.

Муҳиддин БОЛИЕВ

✓ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОКҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ 1-МАКТАБДА ЭСТЕТИК ЙЎНАЛИШДАГИ ФАНЛАР ОЙЛИГИ ДОИРАСИДА «НАФОСАТ ВА СПОРТ БАЙРАМИ» БЎЛИБ ЎТДИ.

Анорбой Турсунбоев раҳбарлигидаги «Ғунча» ансамбли кизларининг «Баҳор вальси» рақсидан сўнг куйлар кўшиқларга уланди. Икки турда давлом этаётган мусобақаларнинг биринчи йўналишида иқтидорли, изланувчан ўқувчиларнинг деворий газеталари, рангтасвир, графика усулларидаги ижодий ишлари, хунарамандчилик намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган бўлса, иккинчи томонда спортсевар ўқувчи ва педагогларнинг шахмат-шашка, стол тенниси бўйича мусобақалари қизгин тус олди. Спорт беллашувларида мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси А.Назиркулов ҳакамлик қилиб борди.

«Моҳир кўллар» ва «Ёш каштачи» тўғараклари аъзоларини тақдим этган ёғоч стол-стулар, уй-рўзғор буюмлари, турли хил нақшлар ва гуллар билан безатилган каштачилик санъати намуналари барчада бирдек қизиқиш уйғотди.

— Ўтаётган тадбир ўқувчиларнинг ақлий ва бадиий ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришда, шунингдек, жисмоний соғломлигини ошириш, уларда масъулик ҳиссини шакллантиришда ижобий роль ўйнайди, — дейди мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси, тасвирий санъат фани ўқитувчиси Исламжон Раҳмонов.

Чарос ҚУРБОНОВА





ЮКСАК ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ ЖАВОБ

Мамлакатимизда истиклолнинг илк кунларидан бошлаб таълим-тарбия ишларига юксак эътибор қаратиб келинмоқда. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида тизимда кўп қиррали ислохотлар амалга оширилди. "2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури" доирасида қилинган ишлар натижасида шаҳар ва қишлоқлардаги мактаблар ўртасида тафовут деярли йўқолди. Замон талабига жавоб берадиган бинолар, спорт заллари барпо этилди. Таълим даргоҳларининг спорт, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши ижодий ва ижобий муҳитни юзага келтирмоқда. Педагоглар тизимли асосда қайта ўқитилиб, малака ошириш курсларида билим ва тажрибаларини бойитаяптилар.

Иқтидорли, маълум натижаларни қўлга киритган ўқитувчиларнинг ойлик маошларига кўшимча равишда устама берилаяпти. Ана шундай ғамхўрликларга натижасида, Жомбой туманининг Саричашма қишлоғида жойлашган 20-умумтаълим мактабида ҳам ибратли тажрибалар тўпланмоқда.

Билим масканида 678 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларга 50 нафар педагог сабоқ бериб келимқда. Мактаб биноси давлат умуммиллий дастури доирасида капитал таъмирланди. 998 млн. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган мазкур даргоҳга замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси келтириб ўрнатилди.

Umummilliy dastur — amalda

Яратилган шароит, амалга оширилган янгилликлар таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсир кўрсатди, — дейди мактаб директори Сабоҳат Шоҳназарова. — Капитал таъмирдан сўнг барча ўқитувчилар ишга ижодий ёндашишга, самарадорликни оширишга ҳаракат қилмоқда. Малака ошириш курсларида ўрганган билим ва тажрибаларини амалиётда қўллаб бошлаган муаллимлар энди дарсларни ноанъанавий, янги педагогик технологиялар асосида, ўзига хос услубларда ўтишмоқда. Дарс машғулотларида олдингидек ўқитувчи эмас, балки ўқувчилар кўпроқ гапиришади, маслаҳатлашади, суҳбатлашади, фикр алмашади, хуллас, фаоллик энди ўқитувчидан ўқувчиларга ўтди. Ўқитувчилар машғулотларга дарслик китоб, конспект билангина эмас, балки кўргазмали қуроллар, қўшимча адабиётлар, ранг-баранг интерфаол ўйинлар билан кириб кели-

шади. Дарслар ҳам қизиқарли, ақлий ҳужум, конференция, викторина, гуруҳлар беллашуви, лаборатория машғулот сингари ўнлаб янги педагогик услублардан фойдаланган ҳолда ўтилмоқда. Бу педагогларнинг ўз устида ишлашлари, янги услублар орқали самарадорликка эришишлари имконият яратди. Ота-оналар билан мустақам ҳамкорлик ўрнатилди. Фарзанди тарбиясига ота-оналарнинг янада эътиборини тортиш юзасидан алоҳида иш олиб борган синф раҳбарлари уларнинг дунёқарашларида ўзгариш ясашга эришдилар.

Мақтаб — оила — маҳалла ҳамкорлиги бу ердаги таълим-тарбия жараёнига нечоғлик ижобий таъсир этаётганини ўқитувчиси Г.Боймуродова. — Сабаби, биринчидан, янги шароитда ишлаш кишига илҳом бағишлайди, кучига куч қўшади. Иккинчидан, ҳукуратимиз, Юртбошимиз биз учун, фарзандларимиз учун шунча шароит яратиб, юксак эътибор қаратиб турганда, биз бунга жавобан, келажагимиз ворислари бўлган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашимиз керак.

— Ҳар бир ўқитувчининг характери, қизиқишлари, орзу-ўйларини ўрганиш дастлабки ва асосий ишимиз бўлди, — дейди математика фани ўқитувчиси М.Абдуллаева. — Фанни ўқитишда, аввало, ўқувчи қизиқишини уйғота билиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида турли ўйинлар, викторина ва савол-жавоб мусобақалари ташкил қилинмоқда.

Жамоадаги ижодий изланишлар, янгилликка ўчлик ва фидойилик эътироф этилмоқда. Қисқа фурсатда ўқитувчилар яратган янгилликлар, тажрибалари нафақат туман, балки вилоятга тарқалди. Бир неча бор вилоят халқ таълими бошқармаси, Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлигидаги семинар айнан мана шу таълим масканида ташкил этилди. Математика фани ўқитувчиси М.Абдуллаева "Ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш ва уни бартараф этиш", она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Г.Боймуродова "Ноанъанавий услубда ўтилган дарсларнинг ўқувчилар нутқи ва дунёқарашини оширишдаги аҳамияти", физика фани ўқитувчиси С.Каримова "Табиий фанларни ўқитишда амалий ишнинг аҳамияти", кимё фани ўқитувчиси Н.Уринова "Анорганик моддалар орасидаги генетик боғланиш" мавзусида лаборатория наш машғулотлари ўтиб, вилоятнинг барча туманларидан ташриф буюрган ҳамкасбларига ўз тажрибаларини кўрсатиб бердилар.

Қозонда бори чўмичга чиқади, деганларидек, мактабнинг физика фани ўқитувчилари Д.Камолова, С.Каримова,

С.Шоҳназарова, кимё фани ўқитувчиси Н.Уринова, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Г.Боймуродова ҳамда Л.Исоқова, биология фани ўқитувчиси З.Уринованинг тажрибалари нафақат туман, балки вилоят мактабларида ҳам оммалаштирилмоқда. Кимё фани ўқитувчиси Н.Уринова синфлар ва чораклар кесимида энг яхши тестлар банки яратиб, вилоятда ғолиб бўлди. Физика фани ўқитувчиси Д.Камолованинг фани ҳаётини мисоллар ёрдамида ўтиш борадидаги ишлари ҳам вилоят педагоглари томонидан эътироф этилди.

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан умумтаълим мактаблари фани ўқитувчилари ўртасида ташкил этилган "Йилнинг энг яхши фани ўқитувчиси" кўрик-танловида ҳам педагог-ўқитувчилар фаол иштирок этиб келишаётир. Ушбу танловнинг республика босқичида "Йўл ҳаракати қоидалари" фани ўқитувчиси Ш.Боймуродова тўртинчи ўринни эгаллади. Мазкур танловнинг вилоят босқичида "Иқтисодий билим асослари" фани ўқитувчиси А.Ортиқова, физика фани ўқитувчилари Д.Камолова ҳамда С.Шоҳназарова фахрли ўринларни эгаллашди. З.Уринова "Очиқ дарслар фестивали" танловининг туман босқичида ғолиб бўлди.

Мақтабдаги янгилликлар, амалга оширилаётган ишлар таълим-тарбия жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаяпти. Ўқувчиларга Давлат таълим стандартлари асосида билим, кўникма, малака беришдаги кўрсаткичлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2006—2007 йилларда она тили ва адабиёт фанидан мактаб бўйича ўртача самарадорлик 72 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 80 фоизга етди. Худди шундай бошқа фанлардан ҳам ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги ҳар чоракда ўсиб бораётганлиги эътиборлидир.

Илм масканида эришилган ютуқлар асосан ўқувчиларнинг фани олимпиадасида қўлга киритаётган ютуқлари билан белгиланади. Ўтган қисқа фурсат ичида бу борада ҳам кўзга кўринарли натижаларга эришилди. 2008 йили 9-синф ўқувчиси Ф.Суннатуллоев фани олимпиадасининг вилоят босқичида учинчи ўринни, ўтган йили шу фандан 8-синф ўқувчиси Ф.Худойбердиев иккинчи ўринни, жорий йил шу ўқувчи айнан мана шу фандан иштирок этиб, учинчи ўринни, 9-синф ўқувчиси С.Ортиқова она тили ва адабиёт фанидан учинчи ўринни қўлга киритди.

Қисқаси, мазкур билим маскани айни пайтда рейтинг кўрсаткичлари бўйича Жомбой туманида биринчи ўринга чиқиб олди. Педагог-ўқитувчилар ўқиш-изланиш, янги марраларни забт этиш иштиёқида меҳнат қилаётган бўлса, ўқувчи-ёшлар улкан орзу-умидлар билан сабоқ олишаётир.

Ҳақим Жўраев, "Ma'rifat" мухбири

САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ: ИҚТИДОРЛАРНИ КАШФ ЭТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ўзаро ҳамкорликда Тасвирий санъат ҳафталиги доирасида амалий ва тасвирий санъатнинг 14 йўналиши бўйича анъанавий «Камал» — 2010 кўргазмаларини ташкил этмоқда. Ўзбекистон Бадий академияси залида Миллий анъаналар ва замонавийлик» болалар ижодиёти 5-фестивалининг ўтказилиши бу борадаги ишларнинг мантикий давоми бўлди. Унда ижодкор болалар, уларнинг ота-оналари, маҳалла кўмиталари аъзолари, турли ҳамкор ташкилотлар вакиллари, пойтахт меҳмонлари иштирок этишди.

Зар чопондаги йигитларнинг карнай-сурнайидан сўнг тадбирнинг бадий қисмини «Кизалоқ» дастасининг жажжи қизлари бошлаб беришди. Уларнинг ижросидан кейин Мирзо Улуғбек тумани ўқувчилар ижодиёт марказининг «Табассум» гуруҳи иштирокчилари навбат олди. Куй-қўшиқ авжига чиққан айни паллада фестивалга келганлар шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази тўғарак аъзоларининг тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, Шарқ миниатюраси, миллий каштачилик, зардўзлик, қуроқчилик, тўқувчилик, бисер тиқиш, gobelen ва гиламдўзлик, флористика, дизайн ишлари намуналарини томоша қилишди.

Бу йилги фестиваль ўтган йиллардагига нисбатан фарқ қилади. Сабаби, тасвирий санъат ҳафталигининг иккинчи кунини ўқувчилар Тошкент шаҳар ижодиёт марказида 16 йўналиш бўйича «Маҳорат мактаби» («Мастер класс») лабораториясига қатнашиб, ҳар бир ғолибликка номзод ўқувчи ўз иқтидорини ҳаққоний тарзда намойиш қилиб берди. Шунингдек, тадбир ташкилотчилари томонидан ўтган тўрт йиллик яқунларга кўра, ўқувчилар ижодиёт марказлари тўғарак аъзолари таркибида Тошкент шаҳар иқтидорли болаларининг маълумотлар банки ҳам ташкил қилинган.

Нурхон Ҳайитмуродова, Собир Раҳимов тумани ўқувчилар ижодиёт маркази тўғарак раҳбари: — Ўқувчим Зарнигор Бурҳонова тадбирда икки йилдан бери каштачилик намуналари билан қатнашиб келади. «Маҳорат мактаби»да ҳам у «Баҳор сайли» деб номлаган гоёсини оппоқ матога тушириб кўрсатиб берди. Фестивалда у иккинчи ўринни қўлга киритди.

Танловда Юнусобод туманидан ташриф буюрган Камолитдин Сиддиқов ёғоч ўймакорлиги йўналишида биринчи ўринни эгаллади. — Тўрт йилдан буён ўқувчилар ижодиёт марказига қатнашман. Ўтган йилги фестивалда рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланган эдим. Бу менга касб-хўнара ўргатган устозларимнинг меҳнати самарасидир, — дейди у ҳаяжон билан. Тасвирий санъат йўналишининг биринчи ўрин соҳибаси Азиза Илёсова ўзини рассомлар дунёсига тушиб қолгандай ҳис қилганини таъкидлайди. — Бу ерга йилгилан барча тенгдошлар бир-биримизга ўхшамаган томонларимизни ўргандик, келажақдаги ижодий ишларимиз ҳақида ўртоқлашдик, — дейди у бизга ўз таассуротлари ҳақида гапираркан. — Тадбирда ижодиёт марказининг «Ёш рассомлар» тўғаригида ўрганган ишларим намуналари билан иштирок этаяман, — дейди яққасаройлик Ситора Фузайлова. — Очигини айтсам, фестивалга келганлар-

Ko'rgazma



нинг ишларини кўриб, ўзимдаги баъзи камчиликларни сездим. Фестивалда иккинчи ўринни эгаллаганим ҳам шундан. Истеъдодли тенгдошларимнинг ишларидаги ўзига хослик менга ёқди.

Кўтаринки кайфиятда бошланган тадбир ниҳоясида ғолиблар Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин, кумуш, бронза медаллари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Хулқар Фармон қизи, "Ma'rifat" мухбири



Умумтаълим мактабларида барча фанларни ўқитишда турли усуллардан фойдаланиб дарс ўтиш, тарғиб этиш, тажрибаларни ўртоқлашиш кенг тарқалди, десак янглишмаймиз. Ушбу усуллар ҳар куни қўлланилади-ми, алоҳида дарсда қўллаймизми, мақсад битта — ўқувчини фанга қизиқтириш, фаоллаштириш, ўзига ишонтириб билим беришдан иборат.

Анъанавий, ноанъанавий, замонавий, муаммоли усуллардан, ахборот-коммуникацион технологиялардан, компьютердан фойдаланиб ўқитилаётган дарсларнинг мазмун-моҳияти ўқувчи билим ва кўникмасини ривожлантириб боришга қаратилгандир.

Мусиқа маданияти фанининг бо-

Nuqtai nazar

Шунингдек, умумтаълим мактаблари учун мусиқа тинглаш ва жамоа бўлиб куйлашга доир дарсликда тавсия этилган мусиқа асарлари фоно-текасини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Ўқувчи фаоллигини оширишда тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш билан бирга дарсликдаги мавзуларни ҳам ўзлаштириб бориш муҳим ўрин тутди. Бунинг учун ўқувчи дарслик билан ишлаб, мустақил билим олади.

Янги мавзунини ўзлаштираётган ўқувчиларни фаоллаштириш учун куйидагича йўналиш бериш мақсадга эришиш омилидир:

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ФАНИ ҚАНДАЙ УТИЛЯПТИ?

ёхуд муаммолар бартараф этилиши хусусидаги ўйлар

шқа фанлардан фарқли томони шундаки, ўқувчилар мусиқани тинглагач, сабоқлар бошланади. Дарсда ўрганиладиган мавзуга оид мусиқа тинглаш муҳим. Чунки «Опера» мавзусида операдан, «Мақом» мавзусида мақомдан парчалар тингланди.

Мусиқа тинглаш, жамоавий ижро, мусиқа саводи, мусиқага ритмик жўр бўлиш кабиларни ўқувчиларга еткази олиш ўқитувчининг бир соатлик дарсда қамраб олиши шарт бўлган жараёнлардир. Мусиқа фани хонасининг маълум бир техник воситалар, кўргазмалар қуроллар ва чолғу асбоблари билан жиҳозланганлиги фани ўқитишда муҳим ўрин тутди.

Умумтаълим мактабларида мусиқа фани орқали ўқувчига бошланғич мусиқа сабоғи берилди.

Зотан, мусиқани тинглаб ўқувчининг эстетик диди шаклланса, тафаккурида ҳам ижобий ўзгариш бўлади. Миллий мусиқа, чет эл композиторлари ижроси, мақомлар, опералардан намуна тинглаб борсагина ўқувчи онгида мусиқа турлари ҳақида етарлича тасаввур уйғонади. Ҳозир мусиқа маданияти дарсида радио, компьютер, телевизор, ДВД-плеер каби техник воситалардан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш имкони бор.

— ўзлаштирилаётган мавзунини ўқувчи тушунтиради, саволлар беради;

— ўқувчи мустақил ўқиб-ўзлаштиради;

— ўқитувчи ўқигандан сўнг, ўқувчилар берган саволларга жавоб бериб тулдиради;

— ўқувчилар мустақил ўқигач, китобдаги саволларга оғзаки, ёзма жавоб беришади, шу мавзуга оид тест, бошқотирмалар тузишади, дарс охирида ўртоқлари билан оғзаки тузган тест саволлари асосида бир-бирларини синаб, баҳолашади, ўқитувчи томонидан ўқувчилар яна бир бор савол бериб баҳоланади.

Бунинг учун ўқувчининг дарслик билан таъминланганлиги муҳим. Мусиқа маданияти фани дарсликлари барча синфлар учун чоп этилган бўлса-да, мактабларда дарслик билан таъминланганлик даражаси у қадар намунали деб бўлмайди.

Ўқувчи маънавиятини юксалтиришда мусиқа санъатининг ўрни беқиёс. Эстетик тарбия воситаси сифатида мусиқа маданияти фани ўқитилади. Бу фан ўқувчини гўзаллик ва эзгуликка ошно этаверади.

Ирода ОТАЖОНОВА,
Бухоро шаҳридаги
12-мактабнинг 1-тоифали мусиқа фани ўқитувчиси

ЮЛДУЗИНГНИ ТОП!

Хукуматимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қарор, фармон, меъёрий ҳужжат янгидан-янги муваффақиятларга йўл очаётгани барчамизга аён. Хусусан, Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларнинг иқтидорини тарбиялаб камолга етказишга хизмат қилмоқда. Республика мусиқа коллежи толиби илмлари кўлга киритаётган ютуқлар ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. «Баркамол авлод йили» номини олган жорий йилда билим даргоҳи ўқувчиларидан Екатерина Аскерова, Мирусмон Тўхтамурадов, Син Селивина, Милана Башаровалар «Жемчужина Красного моря» эстрада хонандаларининг халқаро танловида иштирок этиб, фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлган эди. Коллеж қошидаги болалар мусиқа мактабининг ўқувчиси Жасмина Абдуназарованин «Окно в Европу» дея номланувчи V халқаро болалар ижодиёти фестивалида қатнашиб, биринчи ўринга лойиқ топилди ҳам муассаса

ҳаётидаги кувончли воқеликлардан бири бўлди.

Яқиндаги Москвадан қайтган таълим даргоҳи ўқувчиларидан яна бир гуруҳи «3 а ж г и свою звезду» халқаро танловининг энг яхши иштирокчилари сифатида эфирда этилди.

Xushxabar

Танловда эстрада хонандалиги йўналиши бўйича қатнашган Алия Тюльпанова, ўзбек халқ чолғулари йўналишида қашқар рубобида кўҳна мусиқаларимизни маҳорат билан ижро этган Жамшид Худойбердиев биринчи, чанг на-


воларига кўпчиликни мафтун этган Хумора Йўлдошова ва хор дирижёрлиги йўналишида ижод қилаётган Шахноза Йўлдошова иккинчи ўрин соҳиблари бўлди.

— Тадбир доирасида маҳорат сабоқлари ташкил этилиб, устоз санъаткорларнинг тажрибаларидан воқиф бўлдик, — дейди Хумора Йўлдошова. — Турли миллат вакиллари бўлган тенгдошларимизнинг орзу-ўйлари билан ўртоқлашиб, кўплаб дўстлар орттирдик.

Улар билан ижодий мулоқотлар ўрнатишни келишиб олдик...

Ҳа, санъат элларни эллар, дилларни диллар билан боғловчи восита, айна пайтда тинчлик, дўстлик рамзи ҳамдир.

О.ОЧИЛОВА



“KONSEPTUAL JADVAL” USULI

o'quvchini mustaqil mutolaaga o'rgatadi

Sinab ko'ring

Badiiy asar tahlili o'quvchidan muayyan tayyorgarlikni talab etadi. Shuning uchun o'qituvchi va o'quvchilardan u yoki bu asar tahliliga kirishishdan oldin asarni o'qib chiqish va u haqida yetarli ma'lumotga ega bo'lish talab etiladi. O'qituvchi o'quvchilarga har bir asarga, eng avvalo, badiiy-estetik hodisa sifatida yondashish va asarning inson badiiyat olamiga nima berganligiga diqqat-e'tibor qaratish muhimligini singdiradi.

Bunga kontseptual jadval — bu uch va undan ko'proq hodisalarni o'zaro taqqoslashga, ularni atroficha tahlil qilishga imkon beradigan dars usuli. Bu usulda dars o'tish an'anaviy qolipdan chiqib, zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida o'quvchilarni mustaqil ishlashga o'rgatishning muhim omillaridan biri hisoblanadi.

Kontseptual — lotincha «kontsepsiya» so'zidan olingan bo'lib, qarashlar, fikrlar tizimi; fikr yuritish, dunyoni tushunish, anglash usuli ma'nolarini anglatadi.

Kontseptual jadval usuli o'quvchilarda turli manbalar bilan qiyosiy ishlash ko'nikmasini shakllantiradi, mustaqil izlanishlar olib borishga undaydi, tafakkurni rivojlantiradi.

Bu usulni qo'llashdan oldin o'tiladigan dars mavzusini tanlash va darslikdagi

ma'lumotlar bilan cheklanib qolmasdan, qo'shimcha manbalar topish, o'quvchilarda taqqoslash va solishtirish hamda tahlil qila olish imkoniyatini yaratish zarur. Bu usuldan adabiyot darslarida badiiy asarlarni tahlil qilish jarayonida samarali foydalanish mumkin.

Darsni tashkil etishda o'quvchilar taqqoslashi mumkin bo'lgan uch xil matn tanlab olinadi va puxta o'rganib chiqiladi.

Matnlar tahliliga kirishishdan oldin o'quvchilar kichik guruhlariga ajratilib, har bir guruhga matnlar bilan tanishish topshiriladi, so'ng kontseptual jadval tuzish uchun matnlarni birlashtirib turgan jihatlarni topish, ularning bir-biridan farqli tomonlarini aniqlash, badiiy tasvir vositalari, matnlarni real hayot bilan nima bog'lab turganini topish kabi topshiriqlar asosida kontseptual jadvalni to'ldirish talab qilinadi.

Jadval quyidagicha to'ldiriladi:

Matnlar	Matnlar-ning o'xshash jihati	Matnlar-ning farqli jihati	Matnlar badiiyati	Mualifning g'oyaviy maqsadi	Real hayot va badiiy matn munosabati
She'riy matn					
Hikmatli so'zlar					
Badiiy asardan parcha					

Har bir guruhdagi o'quvchilar jadvalni birgalikda to'ldiradilar. Badiiy tahlil jarayonida o'qituvchining aralashuvi maqsadga muvofiq emas, o'quvchilarning o'z fikrlarini bayon etishida to'liq erkinlik berilishi katta ahamiyatga ega. Badiiy tahlildan so'ng har bir guruh fikrlarini eshitish va bahs-munozara tashkil etish dars samaradorligini yanada oshiradi. Bahs-munozara uchun muammoli vaziyat yaratishda savol-javobdan foydalanish mumkin. O'quvchining savollarga javob berishiga, o'z mustaqil fikrini bayon etishiga kengroq imkoniyat yaratish, har

bir javobning yutuq va kamchiliklarini tahlil qilib borish lozim.

Darsni matnlar mazmuniga mos keladigan tarqatma materiallar, ko'rgazmali vositalar asosida tashkil etish mumkin. Mashg'ulotni bunday materiallar, rasm yoki videoroliklar bilan boyitgan holda tashkil etish, uning qiziqariligidini, bahs-munozaraga boy va yodda qolarli tarzda bo'lishi va o'quvchilar ongiga tez singishini ta'minlaydi.

Tolibjon RO'ZIBOYEV,
Farg'ona politexnika instituti
qoshidagi 3-sonli akademik litsey
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi



У ЎҒРИ ЭМАС ЭДИ, АММО...

Бир синфдош дугонам бўлар ва у энг аълочилар сафида эди. 3-синфга чиққанимизда ҳамма қизлар у билан дўстлашишга «талаша» диган бўлиб қолишди. Бунинг сабаби, у ҳар куни мактабга кўп пул олиб келадиган ва бу пуллари дугоналари учун аямай сарфлайдиган бўлиб қолганди. «Акам бердилар», — дерди у сўраганларга мағрурона тарзда. Бир куни у мактабга келмади, эртасига ҳам. У келмаган куни ўқитувчимиз биздан секин сўради: «Мактабга кўп пул олиб келмасмиди?». «Чин дугона»лар тўхтовсиз сўзлашди. Ўқитувчимиз унга пулни акаси бермаслигини, балки акасининг жамлаётган пулидан сўроқсиз олиб чиқаётганлигини айтди.

Синфдошимизни шу билан кўрганимиз йўқ. Икки ҳафтадан сўнг унинг онаси келиб, китобларини топшириб, ҳужжатларини олиб кетди. Шу-шу унинг номи «Ўғри қиз» бўлди.

Синфдош қизнинг номи ўғрига чиқиши тўғри бўлганмикан, деб кўп ўйлаб қолам. Чунки менга кўшни маҳаллада тургани учун унинг кейинги тақдири билан ҳам қизиқиб юрардим. У олий ўқув юртида ўқиб, яхши оилага келин бўлди. Ҳозир икки нафар фарзанди бор. Аммо кўришиб қолганимизда, ўша қилмишидан уялганча бегоналардек ўтиб кетади...

Ўшанда ўқитувчимизнинг билиб-билмасдан шивирлаб «ўғирлаб келаркан» деган жумласининг ўзи бизда у қизга нисбатан салбий муносабатни шакллантириб қўйди. Аммо у ҳеч қачон бизнинг бирор буюмимизга сўроқсиз қўл узатмаганди. Ҳатто акасининг пулини олиб келишида ҳам мақсади болаларча бўлган бўлса ажабмас. Зеро, пуллари фақат синфдошлари билан баҳам кўрарди ва шу орқали ўзини сахий ва бой қилиб кўрсатишни истарди.

— Болалар мақтанишни яхши кўради, — дейди психолог Сайёра Олимхўжаева. — Бу одат ҳар биримизнинг болалигимизга хос. Шунчаки қайси биримиздир ўз истагимизга муккасидан кетиб, қулоқ тутамиз. Бошқалар эса ҳатто болалигида ҳам истакларини бошқара олади.

Биз катталар баъзида мақтаниш истагида сўроқсиз уйдан олиб чиқиб кетилган нарса учун дарров фарзандларимизда кўли эгрилик ҳусусияти бор экан, деб кўрқиб кетамиз. Ақсинча, бундай вазиятларда ота-оналардан муаммага босиқлик билан қараш талаб этилади. Даб-дурустан унга «Сен ўғрисан» деган тамгани босмаслигимиз керак. Балки ундаги бу мақтанчоқлик, бошқалар олдида ўзини кўрсатиш одатларини назорат қилиб боришимиз ва буни жилволашга эришимиз керак.

Чунки мақтанчоқлик ортидан қилинган хатолардан кечолмаган бола ўзи билан бирга бу иллатларни ҳам йиллар ўтган сари улғайтириб бораверади. Қолаверса, бир марта шундай хатога йўл қўйган фарзандин-

гиз билан муомалада эҳтиёт бўлишингиз лозим. Кейинги сафар ҳам уйдан бирор нарса йўқолса, ҳеч иккиланмай ана шу болангиздан кўришга ошиқманг. Агар тахминингиз хато бўлса, бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

ИҚРОП

«Биз кўп фарзанд бўлганимиз учун опа-сингиллар ўқув куролларимизни галма-галдан ишлатардик, — дейди шу мавзуда суҳбат қурганимизда Мунаввара исмли қиз. — Меҳнат дарси учун ҳаттоки маҳсус чиқариладиган рангли қоғоз ўрнига оддий оқ қоғозни турли рангларга бўяб ишлатардим. Елим ўрнига идишчаларга ундан тайёрланган «елим»ни солиб келардим. Меҳнат

ҳолатдан кутулиш учун қайчи-ни эгасига бериш кераклигини тушундим. Кулай фурсатни излаб юрдим ва ниҳоят бир куни қатъият билан ундан кечирим сўраб, қайчисини қайтариб бердим.

Бу воқеадан кейин ҳам синфда мен ҳақимда ҳеч ким ёмон сўз гапирмади. Бу эса дугонамнинг ақлли ва босиқлигидан эди».

Воқеалардан аён бўладик, болаларнинг ўзлари ҳали чуқур англаб етмаган қилмишлари атрофдагилар таъбири билан дарров салбий характер касб этиб қолиши ёки болаларнинг ўзларига бу одат тусига кириб, илдиз отиб кетиши мумкин экан. Демак, бу масалага энгил қараб бўлмайди. Улар бу борада доимий назоратга муҳтож. Бу масалада оилада вақти етса, ота-она ма-

— Бундай ҳолатда мен синф раҳбари билан биргаликда боланинг оилавий аҳволи, келиб чиқиши, мактабдан кейинги ўтадиган вақти ва кимлар билан кўпроқ мулоқотда бўлаётганлигини суриштириб, назорат остига оламан. Баъзи болалар энг яхши нарсалар уларда бўлишини истайдилар, гоҳида ота-онасининг таъминотига ҳам қаноат қилмайдиганлар топилади. Бундайлар юқори синфга кўтарилган сари, зўравонлик йўлига ўтади. Масалан, илгари яширинча бировнинг нарсасини ўғирлаган бўлса, энди мактабнинг орқа томонларида, хилватроқ жойларда кучсиз ва кўрқоқроқ болалардан пул талаб қила бошлайдилар. Бола зўравонлик йўлига ўтдим, энди бу жуда катта масала. Бу мактаб маъ-

Siz nima deysiz?



кўз-кўз қилиб келадилар. «Олиб беришга қурбим етпими, фарзандимни шундай кийинтираман. Мактабдан бошқа қаергаям борарди қизим, шундай бўлгач, тақинчоқлариниям, кийим-кечаклариниям мактабга кияди-да», дея маънавий савияларини ошкор қилади баъзи ота-оналар.

Уларга мактаб таълим олиш маскани, бу ерда ҳамма ўқувчилар тенг бўлиши кераклигини уқтириб бўлармиди?! Энди бундай шароитда ўқувчилар орасида турли тушунмовчиликлар келиб чиқиши табиий.

ҚИЛМИШНИ ЯШИРИШ — ТАРБИЯЛАШ ЭМАС

Агар сизнинг фарзандингиз шундай хато қилса, сиз қандай йўл тутасиз ёки шу каби ҳодиса бошингиздан ўтган бўлса, қандай чора кўрган эдингиз?

Билишимизча, аксарият оналар бундай ҳолатда жуда кўрқиб кетади ва шу ҳолатда нуридийдаларининг келажигини кўз олдиларига келтира бошлайдилар. Улар учун энг муҳими: буни ҳеч ким билмаслиги керак! Яширинча ўғлингиз билан гаплашиб, унинг кўнглини билишга уринган ёки дакки берган бўласиз. Аммо қилмишини отасидан яшираётганлигини у фаҳмлаб туради. Ва бу ҳаракатингиз фарзандингиз қилмишлари учун жазо эмас, рағбат эканлигини ҳис қилади. Эҳтимол, каттароқ хатоси ота-она ҳамкорлигида муҳокама қилинар, барибир сизни фарзандингиз ҳолатидан ҳам кўра кўпроқ биров билиб қолиши хавотирга солади.

Албатта, биз кўчага чиқиб жар солиб, уни қораланг, дийдиё қилинг, демоқчимасмиз. Ҳеч бўлмаса, жабрланувчи олдида айбини тан олишига ундашнинг кераклигини эслатиб ўтмоқчимиз ҳолос.

Онасининг тилини тишлаб олган ўғил ҳақидаги ривоят, афсуски ҳозир ҳам ҳаётимизда юз бериб турибди. Болалигида ўғирлаб келган тухумни, қайтариб жойига олиб бор, дейиш ўрнига пишириб берган она ўғлини қўли эгри қилиб тарбиялаётганини тушуниб етмайди. Фарзанд-да, унинг ҳамма ҳаракатларидан яхшилик қидирасиз. Балки, «Кўчадан топиб олдим», деб сизга мақтанаётган қимматбаҳо буюмни кўриб, «Буям сенга боққан бир омад-да» дерсиз. Бир одамнинг ҳамёни тушиб қолганида ортидан уни олиб сумкасига солганча уйга югурганини ҳам фарзандингизнинг пишиқ, пухта, уздабуронлигига йўйиб, севиниб ўтирарсиз. Ахир, бировнинг ҳаққи деган тушунча ва уни сўроқсиз, ўша одамнинг розилигисиз олиш жиноят эканлигини тушунтириш сизнинг зиммангиздаги вазифа-ку.

Зилола РУСТАМОВА, «Ma'rifat» мухбири

“ДУГОНАМНИНГ ҚАЙЧИСИ МЕНГА ЁҚАРДИ...”

дарси учун синфимизда ҳар бир ўқувчининг алоҳида папкаси ва унинг ичида иш куроллари бўларди. Дарсда ҳамма турли нарсаларни ясагач, яна папкаларни йиғиб, синф шкафига йиғиб қўйишарди.

Тўғриси айтсам, дугонамнинг куёнча шаклидаги қайчиси менга жуда ёқарди. Бир куни синф сардори бир қанча папкаларни йиғиб жойлаштираётди, уларни тушириб юборди. Ҳамма ўзининг нарсаларини йиғишга тушди. Мен ерда ётган ўша қайчи олдида тезда бордим, уни беихтиёр ўз папкама солиб қўйдим. Кейинги меҳнат дарсида дугонам қайчиси йўқолганлигини ўқитувчимизга айтди. Ўқитувчимиз ўтган дарсда тушиб кетган буюмлар орасида адашиб қолгандир, синфдошларининг партасини қараб чиқ, деди. Мен унинг қайчисида бамайлихотир қоғоз қирқардим. «Мана, менинг қайчим», деди у. Ҳаяжонга, кўрқувга тушмасликка уриниб, «Йўқ, мен буни бугун уймдан олиб келдим», дедим. Дугонам индамай жойига ўтирди.

...Бу иш тинчиб кетди. У ҳеч кимга ўша қайчи меники эди, у алдади, ўғри экан деб айтгани йўқ. Шунинг учун бўлса керак, қайчи йўқолгани унутилди-қолди. Аммо мен ҳар сафар ўша қайчини ишлатганимда, ўзимни ёмон ҳис қилардим.

Бир куни қайсидир болалар учун бериладиган кўрсатувда бировнинг нарсасини берухсат олмаслик ҳақида гапирилди. Мен қилмишимни ўйлаб сиқилиб кетдим. Ўзимни ёмон кўра бошладим. Дугоналарим бу ҳақда ўйламасалар-да, нуқул орқамдан шуни гапирётгандек туюлаверарди. Бу

шгул бўлар. Мактабда-чи, ким мунтазам шуғулланиб боради? Синф раҳбарими ёки мактаб психолоғи?

Нафиса Муҳамедова, С.Раҳимов туман ХТБ Ташхис маркази психолоғи:

— Синф раҳбари ҳамиша болалардаги ўзгаришлардан хабардор бўлиши керак. Албатта, синфда бирор ўқувчининг буюми йўқолса, у биринчи бўлиб синф раҳбарига мурожаат қилади. Ўқитувчи, аввалига, ўқувчилардан «Ким олган бўлса, қайтарсин», деб сўрайди. Бундан ҳеч бир натижа чиқмайди. Кейин барча ўқувчиларнинг чўнтағи, сумкасини кўздан кечириб кўради. Ана шу ҳолатда ҳам айбдор топилмаса, демак бу ўқувчи катта эътиборга муҳтож дегани. Чунки шунчаки болаларча ўғрилиқ моҳиятини билиб-билмай, эгри мақсадсиз дўстининг буюмини олган ўқувчи уни тузукроқ жойга беркитиш ҳақида ўйламаган бўлади.

Шундан билинги, бу ўқувчинингиз хато қилган ҳолос. Ўқитувчи онгли равишда жиноят қиладиган ўқувчиси билан адашиб, болалик қилиб хатога йўл қўйган ўқувчини фарқлай билиши керак. Ва бу икки тоифадаги ўқувчига бир хил чора қўллаб бўлмайди. Бу адашган ўқувчининг кўнглига оғир ботиши мумкин. Шунингдек, ўқитувчи шундай ишга ўрганиб бораётган ўқувчисининг ҳолатидан мактаб психолоғини огоҳ этиши керак. Педагог ва психолог ҳамкорлиги ўқувчини тўғри йўлга қайтариш учун самарали чоралар кўриши даркор.

Фотима Каримова, Чилонзор туманидаги 281-мактаб психолоғи:

мурияти билан ҳал қилиниши керак. Яъни бунга синф раҳбарият психологдан тортиб, директор ва унинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, шунингдек, ота-она, маҳалла фаоллари, ҳудуд профилактика нозири ҳамкорлигида чора топилади.

МАЙДА ЙЎҚОТИШЛАР КАТТАЛАШЯПТИ(МИ?)

Кейинги кунларда таълим муассасаларида қўл телефони ўғрилиги учраётганлиги ҳақида эшитиб қоламиз. Бунинг сабаби ҳам оддий: биринчидан, бу буюм қиммат, иккинчидан эса унга ҳамма ўқувчи қизиқади. Ўзида бўлишини истайди, уни ўғирлаш ҳам унчалик қийин эмас.

Илгари ўқувчилар бундай қиммат буюмларни мактабга олиб келишмасди. Ўқитувчи ўқувчининг кўпроқ пул олиб келадиганини кўрса, дарров ундан пулни қаердан олганлигини суриштирар ва мактабга бошқа кўп пул олиб келмаслигини уқтирарди. Ўқувчи шу йўсинда давом этаверса, унинг ота-онасини бундан огоҳлантиришарди.

Бугун эса бу борада чеклов баъзида унутилгандек... Айрим юқори синф ўқувчилари (аксарияти ўғил болалар) чўнтақларида кунлик эҳтиёжга нисбатан анча кўп пул олиб юришади. Уларнинг ота-онасига мурожаат қилинса, «Ўғлим дарсдан сўнг ишлайди, пулни ўзи топаяпти. Нима бўлибди, ўғил бола-да, пулдан камчилиги бўлмаслиги керак», дегувчилар ҳам йўқ эмас. Қизлар эса тилла тақинчоқ, қимматбаҳо кийим-кечакларини

Hozirgi zamon ta'lim jarayonida yangi pedagogik texnologiyalar, shuningdek, o'qitishning turli usullaridan foydalanish o'g'il-qizlarning o'qishga, fanga bo'lgan qiziqishini oshiradi.

Bu yil zargarlik yo'nalishini tamomlaydigan 40 nafar o'quvchi amaliyotni O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining Qimmatbaho metallar va qimmatbaho toshlar ko'mitasi huzuridagi «Fonon» ilmiy ishlab chiqarish birlashmasida o'tashmoqda.

TARQATMA MATERIALLAR

o'quvchi faolligini oshiradi

Hozirgi zamon ta'lim jarayonida yangi pedagogik texnologiyalar, shuningdek, o'qitishning turli usullaridan foydalanish o'g'il-qizlarning o'qishga, fanga bo'lgan qiziqishini oshiradi. Bu haqiqatni yaxshi anglagan holda, Chirchik axborot texnologiyalari va xizmat ko'rsatish kasb-hunar kolleji matematika-informatika fani o'qituvchisi Feruza Rahimova dars va mashg'ulotlarda bumerang, veyer, loyihalash, zig-zag kabi o'qitish usullarini qo'llab, muayyan natija va samaradorlikka erishib kelmoqda. Quyida ijodkor muallimning veyer va loyihalash usullarini qo'llab o'tgan bir soatlik dars ishlanmasini mushtariylar e'tiboriga havola etmoqdamiz.

foydalangan holda tarqatadi:

Misol: 1, 2, $\sqrt{13}$, 3,

12.1, 4, 65, 3.7, 4, $\frac{2}{5}$,

9, -25, -66, 2.1, 35.25,

5.6, $\frac{7}{9}$, 10, $\frac{25}{36}$, 20.1,

$\frac{48}{57}$, 25, $\sqrt{6}$, $\frac{5}{2}$, -15, 36,

$\frac{7}{3}$, 11, $\sqrt{11}$, 8, -7, 24,

$\sqrt{123}$, 62, $\frac{5}{7}$, $-\frac{11}{23}$,

$\sqrt{267}$, $\frac{56}{97}$, -123, $\sqrt{1947}$,

452, $-\frac{1253}{1256}$, 66, -12, 1,

-25, 368, 125, -63, ...

Yelpig'ichning har bir bo'lagi guruhlarga quyidagicha bo'lib beriladi:


Mavzu: «Haqiqiy sonlar va ular ustida amallar» (1-kurs).
Darsning maqsadi: haqiqiy sonlar haqida ma'lumot va ular ustida amallarga doir misollar yechishni o'rgatish.

to'plam... deb ataladi.
A) qism to'plam
B) bo'sh to'plam
C) to'g'ri javob yo'q


Sinab ko'ring

- Reja:
1. Butun sonlar.
2. Natural sonlar.
3. Ratsional sonlar.
4. Haqiqiy sonlar.
Dars turi: ma'ruza.
Dars jihozlari: kartochka, tarqatma materiallari.
Darsning berishi va mazmuni:

5. Bitta elementga doir misollar yechishni o'rgatish.
to'plam deyiladi.
A) bo'sh to'plam
B) bo'sh to'plam
C) to'plam
So'ngra mavzuni mustahkamlash maqsadida quyidagi misolni guruhlarga veyer (yelpig'ich) usulidan



O'quvchilar berilgan raqamlardan mavzusiga doirini topib yozishadi, so'ngra ular doskaga chiqib, javob varaqlaridan yelpig'ich hosil qilishadi va tahlil qilinadi.



O'qituvchi darsni umumlashtiradi. Dars oxirida o'quvchilar guruhlari bo'yicha va faol qatnashganliklariga qarab baholanadi.

Feruza RAHIMOVA,
Chirchik axborot texnologiyalari va xizmat ko'rsatish kasb-hunar kolleji matematika-informatika fani o'qituvchisi

«Zargarlik kishidan sabr-toqatni talab etadi, deb k'up bora eshitgandim, — deydi Uchepa tumani milliy xunarmandchilik kasb-hunar kollejinin zargarlik iynalishni 1-bosqich ukuvchisi Baqodir Dadojanov. — 9-sinfda ukub yorgan kuzlarimda xujjatlarimni qayisi kasb-hunar kollejiga topshirsam ekan, deb uyila yorganim rost. Bitiruvchilar uchun tashkil etilgan «Kasblar festivali»da ushu kollej haqida batafsil ma'lumot o'ldim va shu ukuv maskanini tanladim.»

Uchepa milliy xunarmandchilik kollejida 59 nafar oliy ma'lumotli ukuvchi, 24 nafar ishlab chiqarish ustalari ukuvchilarga kasb-hunar sirilarini urgatati. Ukuv dargohini bitirganlar zargarlik san'ati, tikuvchilik ishlab chiqarish hamda badiiy egoch uyimakorlik, badiiy milliy liboslar tikuvchisi, buxgalteriya xisobi yurituvchisi mutaxassisligiga eta bulmoqda.

Asosiyisi, kasb-hunar kollejida nazariy bilimlar amaliyet bilan uyg'unlikda olib boriladi. Uz kasbini chukur egallagan murabbiylar faoliyat yuritishadi.

— Har bir kasbning us-

tasi bulaman, degan kishi kasbiga mexr-muxabbatini bagishlashi kerak, — deydi tajribasi bilan urtoqlashar ekan, ishlab chiqarish ustasi Kuchkor Turayev. — Shogirdlarimning kulogiga ham shu gapni bot-bot kuyman. Ertaga ular dan etuk xunarmand chiqsin, deyman-da.

Usta bilan suxbatimizni dars jaraenida davom ettirdik.

Dars mavzusi: «Zargarlik buyumlarini qismlarini tayirlash». Kimdir

uzuk, zirakni, yana kimdir bilag-uzuk yasashni aytdi. — Avval ishimizga zarur bulgan jixozlarni tanlab olamiz, — deya zirkar yasash jaraeni haqida gapirib bershga kirishadi oq xalat kiyib olgan ukuvchi Dilshod Komilov. — Tikuvchilikni endi boslaganlar chitdan foydalanihgandek, biz ham dastlabki ishimizni mis, menkerdan tayirlaymiz. Sababi, bu metallar bir-biri bilan aralashtirilsa, undan yasalgan buymlar anchagacha rangini uzgartirmaydi. Bezak buymlarini tayirlashda kuyish, bolgalab (zarb berib) yasash, kumu shuvini

yuritish, uyib eki burttirib naqsh yasash, bosma, zirkar, kolipla, singari usullardan foydalanamiz. O'ldin zirakning yaltirishini chizib olinadi. Metallarning oqiriligiga qaraib, bezak buyumining shakli tanlanadi. Ziraklarinng «qashqarballoq», «shibirma», «oynazirk», «bozaband» kabi mahalliy turli turli k'up. Mana (k'ulidagi tayir maqsulotni k'ursatib), endi zirakning k'uzkasosini yasab olamiz va yana bosqqa maqsulotdan

hamma iotuklariga osonlikcha erishib bulmaydi-ku?! Shu k'up qilib, zirak tayir bulay deb kolli. Dilshod ziraklarini yaltirish uchun kerak buladigan k'uzkisi moddan arkon ishga k'urtli. S'ung unga ziraklarini ishkalay boshladi. Bu jaraen ziraklarini yaltiratar ekan.

— Ukuvchilarnimz birinchi bosqichda ukushlariga qaramay, mana qarant (tayir ishlarini k'ursatib), zargarlik buyumlarini nozik did bilan ishlagha

urinishaypti, — deb izox beradi usta.

Kuzatishlar asnosida bilidkiki, zargar bulaman, deb kechagina eshikdan oq halatda k'irib kelgan ukuvchilar bugun zargarlikning anachina sir-asrorlarini urganib olishibdi.

Ha, aytganday, usta Kuchkor Turayev «Tashabus — 2002, 2003, 2004» kuriktanlovinda «Iylining eng

axshi xunarmandi» deb topilgan ekan.

Darvoqe, kollej rahbariyati 1-Toshkent zargarlik korxonasi, «Nur» davlat badiiy zargarlik markazi hamda Toshkent sha-xridagi bir nechta zargarlik dukonlari bilan hamkorlik shartnomasini tuzgan. Bu iyil zargarlik iynalishini tamomlaydigan 40 nafar ukuvchi amaliyetni Uzbekiston Respublikasi Moliya vazirligining Qimmatbaho metallar va qimmatbaho toshlar ko'mitasi huzuridagi «Fonon» ilmiy ishlab chiqarish birlashmasida o'tashmoqda.

Soat kaigiri 9:50ni k'ursatdi. Dars tushiga ozina kolli. Zirak ham tayir buldi.

— Voy-kuuuu, zur chikbdi-ku? — zirakning g'uzaligidan hayratlandim. — Mana, sizga mu'jizal!

— Onamning tugilgan kuniga uzim yasagan uzukni sovg'a kila olaman, — deydi Baqodir Dadojanov xayajonlani. — Chiroyli zirak q'izillarimiga kuvonch bagishlashi, tabiiy.

Xulkar FARMON kizi,
«Ma'rifat» muxbiri



U'KUVCHILARNING SEVIMLI MASKANI

Chirkochi tumani dargohi Iktisodiyet kasb-hunar kolleji vilotimizdagi nuфуzali bilim maskanlaridan biri xisoblanadi. 2005 iyildan faoliyat yuritib kelayotgan ushu ilm dargohida 900 nafardan ortiq ukuvchilarga malakali ukuvchilar tomonidan fan sir-asrorlari urgati kelimoqda.

Usta moliya, buxgalteriya xisobi va audit, informatika va axborot texnologiyalari, bank ishi, soliklar va soliklar tortish, boslangich ta'lim, xujalik hukukiy faoliyati, tikuvchilik ishlab chiqarish iynalishlari b'uyicha mutaxassislar tayirplanadi.

Milliy dastur — amalda

Kollejda pedagogik texnologiyalarni ukuv jaraeniga tatbik etishi, yangi avlod dasturlari, uslubiy majmualar, ukuv kul'anmalar yaratish, nazariy bilimlarni amaliyet mashg'ulotlari bilan chambarchas bog'lab olib boshish, kurgazmali kurollar, ukuv laboratoriya jixozlaridan uz urnida foydalanihgaha muhim ahamiyat berilmoqda.

Yuksak maqsadga erishish uchun har bir fan ukuvchisi ukuv-uslubiy hamda ilmiy tadqiqot izlanishlarini olib boraypti. Turli mavzularda ma'ruza matnlarini tayirlash ukuv muassasasida odat tuisiga kirgan. Axborot-resurs markazidan joy olgan ana shu mavzular dan ukuvchilar keng kul'amda foydalanaapti.

Ukuvchilarning etarli dаражада bilim olishi uchun ma'naviyat va ma'rifat xonasi, EXM xonasi, 3ta xorijiy tillarga muljalланган лингафон, 2ta kimё fani xonalari hamda biologiya laboratoriyasi ham zamonauiy asbob-uskunalar bilan jixozlangan.

Ukuv maskanimizda axborot-resurs markazining 3ta tarqatma kutub-

Kollejlar hayotidan

Bugungi kunda haqli ravishda «Kollejlar hayotidan» etirof etishi joizkiki, milliy kadrlitlarimiz, uzligimiz hamda boy tariximizni anglash, kadrlash va avlodlar ongiga singdirishda ta'lim muassasalari faoliyati alohida ahamiyat kasb etmoqda. Ayni paytda «Barqamol avlod iyni» Davlat dasturining maqsadi, mazmuni va moxiyati tufusida keng tushuntirish ishlarini tashkil etishi b'uyicha konferentsiya, seminar, davra suxbati va uchrasuvlar utkazish iylga k'uyilgan.

— ezgulik va ibrat timso-li», «Guliston» jurnali muxbiri Mu'hammad Mamadaliyevning «Bobur — nozikta'ab adib, nusxatdon olim», KDPI musika kafedrasini mudiri Shavkatjon Turdiyevning «Aliшер Navoiy — sheryat mulkining sultoni» mavzularidagi ma'ruzalari tinglandi.

Mutaxassislarinng nutq va suxbatlari tinglovchilarda juda katta qiziqish uy-

TARBIYA DA ALLOMLAR IBRATI

Bu vayda tumani dargohi iktisodiyet kolleji mavzuriyati ham Kuchkor davlat pedagogika instituti bilan hamkorlikda talaygina xairli ishlarini amalga oshirib, ijobiy natijalarga erishib kelmoqda. Kollejimizda «Barqamol avlod tarbiyasida alommlar ibratini» ruknida dastur ishlab chikilgan bulib, ana shu asosida uchrasuv davra suxbatlari tashkil kilinyapti. Jumladan, yakinda KDPI ukuvchisi, filologiya fanlari nomzodi Nazirjon Nazarovning «Alisher Navoiy

NAZARIYA VA AMALIYOT UYG'UNLIGI

o'quvchining bilim darajasi va ixtirochilik qobiliyatini yuksaltiradi

Nurota maishiy xizmat ko'rsatish kasb-hunar kolleji o'qituvchisi Bahrom Kenjayev ijodkor, izlanuvchan ustozmurabbiy. Uning noan'anaviy usullardan foydalangan holda o'tayotgan darslari e'tirof etilayotir. «Tishli-richagli mexanizm parametrlarini asoslash va kinematik tekshirish» mavzusidagi dars ishlanmasi ham respublikamizda texnika yo'nalishiga asoslangan kasb-hunar kollejlarda mashina va mexanizmlar nazariyasi fanidan dars berayotgan o'qituvchilarga yordam berishi tayin.

quyidagi belgilarni kiritamiz:

$$\lambda = r/l; \quad \mu = e/l$$

Bu yerda λ va μ — o'lchamiz ko'effitsientlari, u holda

$$\sin \varphi_1 = \lambda - \mu \quad (3)$$

Bu tenglamalar sistemasi ochib, quyidagini hosil qilamiz:

$$\lambda = 0,5(\sin \varphi_1 + \sin \varphi_2) \quad (4)$$

Delta A'A'C_0 va Delta AA'C_1 lardan quyidagini yozish mumkin:

$$S = A'C_0 - A'C_1 \quad (5)$$

bundan

$$i = \frac{s}{\sqrt{(1-\lambda)^2 - \mu^2} - \sqrt{(1-\lambda)^2 - \mu^2}} \quad (6)$$

Masalalan, ishchi zvenoning yo'li S=80 mm. bo'lishi uchun t=170 mm.,

$$r = \lambda t = 40 \text{ mm.}, \text{ eksentrisitet } e + \mu t = 13 \text{ mm.}$$

bo'lishi kerak. Demak, ishchi zveno amplitudasi ma'lum bo'lsa, (6) formulaga muvofiq mexanizm zvenolarining o'lchamlari aniqlanadi. Tishli g'ildiraklar esa standartlardan tanlanadi.

Ishchi zvenoning harakat chastotasi tishli g'ildiraklar chastotasi bilan xarakterlanadi. Bu shartlar $\varphi_1 = 20^\circ$ va $\varphi_2 = 10^\circ$ qiymatlarda bajariladi [1].

Ushbu mexanizmi sintez qilish uchun uning to'rtta holatini chizamiz (2-rasm).

Ishchi zveno C nuqtasining koordinatalari quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$x_c = r \sin \varphi_1 + r \sin \varphi_2$$

$$y_c = r \cos \varphi_1 + r \cos \varphi_2 \quad (7)$$

bu tenglamalarni differentsiallab, shatunning burchak tezlik va tezlantirish hamda C nuqtaning chiziqli tezlik va tezlantirishini aniqlaymiz:

$$\omega_{sc} = \frac{v_c}{r} = \frac{v_c}{r} \frac{1}{\cos \varphi_2}$$

$$v_{sc} = r \omega^2 \sin \varphi_1 + i \omega^2 r \sin \varphi_2$$


$$a_c = \frac{r \omega^2 \sin(\varphi_2 - \varphi_1)}{r \cos \varphi_2}$$

$$a_c = \frac{r \omega^2 \cos(\varphi_2 - \varphi_1) + i \omega^2 r}{\cos \varphi_2} \quad (8)$$

Bu yerda: ω_{sc} — shatunning burchak tezligi; ω — krivoship burchak tezligi; φ_1 — krivoshipning aylanish burchagi; φ_2 — shatunning burchak tezligi; v_{sc} — shatunning burchak tezlantirish; a_c — ishchi zvenoning tezlantirish.

Bir so'z bilan aytganda, ko'rsatilgan chizmalar yordamida kasb-hunar kolleji ustaxonalarida ushu mexanizmi yasab, amaliyotda qo'llab, o'quvchilarga ko'rsatish mumkin.

Bahrom KENJAYEV,
Nurota maishiy xizmat ko'rsatish kasb-hunar kolleji kasbiy ta'lim fani o'qituvchisi



2010—2011 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 2-, 3-, 8- ва 9-синф ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган Тендер савдоларида (2-MRT, 3-MRT, 4-MRT, 5-MRT, 6-MRT) голиб бўлган иштирокчилар рўйхати

Пакет рақами	Қўлланма номи	Таълим тили	Синфи	Адади	Голиб нашриётлар номи
2-MRT					
1	Она тили	ўзбек	8	520 768	"Чўлпон" НМИУ
3	Қорақалпоқ тили (Qoraqalpoq tili)	қорақалпоқ	8	10 996	"Ўзбекистон" НМИУ
4	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	қозоқ	8	8 196	"Ўзбекистон" НМИУ
5	Қирғиз тили (Қыргыз тили)	қирғиз	8	1 089	"Ўзбекистон" НМИУ
6	Тожиқ тили (Забони тоҷики)	тожиқ	8	9 053	"Чўлпон" НМИУ
7	Туркман тили (Türkmen dili)	туркман	8	1 013	"Ўзбекистон" НМИУ
8	Адабиёт	ўзбек	8	520 768	"Ўзбекистон" НМИУ
11	Адабиёт (A' debiyat)	қорақалпоқ	8	10 996	Ғ.Ғулом НМИУ
12	Адабиёт (Әдебиет)	қозоқ	8	8 196	"Ўзбекистон" НМИУ
13	Адабиёт (Адабият)	қирғиз	8	1 089	Ғ.Ғулом НМИУ
14	Адабиёт (Адабиёт)	тожиқ	8	9 053	"Ўзбекистон" НМИУ
15	Адабиёт (Edebiyat)	туркман	8	1 013	Ғ.Ғулом НМИУ
16	Ўзбек тили	рус ва қардош тиллар учун	8	63 287	"Ўқитувчи" НМИУ
21	Геометрия	ўзбек	8	520 768	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		рус		32 940	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қозоқ		8 196	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		тожиқ		9 053	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қирғиз		1 089	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		туркман		1 013	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
22	Кимё	ўзбек	8	520 768	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		рус		32 940	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қозоқ		8 196	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		тожиқ		9 053	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қирғиз		1 089	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		туркман		1 013	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
29	Она тили	ўзбек	9	548 365	"Шарк" НМАК
		ўзбек		548 365	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қозоқ		8 533	"Ўзбекистон" НМИУ
		қирғиз		1 188	"Ўзбекистон" НМИУ
		тожиқ		9 327	"Ўзбекистон" НМИУ
		туркман		955	"Ўзбекистон" НМИУ
44	Ўзбек тили	рус ва қардош тиллар учун	9	61 104	"Ўқитувчи" НМИУ
46	Немис тили	барча тиллар учун	9	94 030	"Шарк" НМАК
48	Алгебра	ўзбек	9	548 365	"Ўқитувчи" НМИУ
		рус		30 417	"Ўқитувчи" НМИУ
		қозоқ		8 533	"Ўқитувчи" НМИУ
		тожиқ		9 327	"Ўқитувчи" НМИУ
		қирғиз		1 188	"Ўқитувчи" НМИУ
		туркман		955	"Ўқитувчи" НМИУ
50	Кимё	ўзбек	9	548 365	"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН
		рус		30 417	"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН
		қозоқ		8 533	"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН
		тожиқ		9 327	"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН
		қирғиз		1 188	"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН
		туркман		955	"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН
52	Биология, цитология ва генетика асослари	ўзбек	9	548 365	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		рус		30 417	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қозоқ		8 533	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		тожиқ		9 327	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қирғиз		1 188	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		туркман		955	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
53	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	ўзбек	9	548 365	"Чўлпон" НМИУ
		рус		30 417	"Чўлпон" НМИУ
		қозоқ		8 533	"Чўлпон" НМИУ
		тожиқ		9 327	"Чўлпон" НМИУ
		қирғиз		1 188	"Чўлпон" НМИУ
		туркман		955	"Чўлпон" НМИУ
56	Конституциявий ҳуқуқ асослари	ўзбек	9	548 365	"Шарк" НМАК
		рус		30 417	"Шарк" НМАК
		қозоқ		8 533	"Шарк" НМАК
		тожиқ		9 327	"Шарк" НМАК
		қирғиз		1 188	"Шарк" НМАК
		туркман		955	"Шарк" НМАК
1	Она тили	ўзбек	2	425 267	"Чўлпон" НМИУ
		ўзбек	2	425 267	"Ўзбекистон" НМИУ
		рус	2	50 194	"Ўзбекистон" НМИУ
3-MRT					
4	Мусика	қозоқ	2	7 384	"Ўзбекистон" НМИУ
		тожиқ	2	8 058	"Ўзбекистон" НМИУ
		қирғиз	2	1 093	"Ўзбекистон" НМИУ
		туркман	2	1 073	"Ўзбекистон" НМИУ
		қорақалпоқ	2	9 587	"Ўзбекистон" НМИУ
6	Математика	ўзбек	3	420 385	"Ўқитувчи" НМИУ
		рус		48 011	"Ўқитувчи" НМИУ
		қозоқ		7 447	"Ўқитувчи" НМИУ
		тожиқ		8 104	"Ўқитувчи" НМИУ
		қирғиз		1 049	"Ўқитувчи" НМИУ
		туркман		1 019	"Ўқитувчи" НМИУ
7	Мусика	қорақалпоқ	3	9 855	"Ўқитувчи" НМИУ
		ўзбек		420 385	"Ғафур Ғулом" НМИУ
		рус		48 011	"Ғафур Ғулом" НМИУ
		қозоқ		7 447	"Ғафур Ғулом" НМИУ
		тожиқ		8 104	"Ғафур Ғулом" НМИУ
		қирғиз		1 049	"Ғафур Ғулом" НМИУ
		туркман	3	1 019	"Ғафур Ғулом" НМИУ
		қорақалпоқ	3	9 855	"Ғафур Ғулом" НМИУ
4-MRT					
1	Тасвирий санъат	ўзбек	2	425 267	"Чўлпон" НМИУ
		рус		50 194	"Чўлпон" НМИУ
		қозоқ		7 384	"Чўлпон" НМИУ
		тожиқ		8 058	"Чўлпон" НМИУ
		қирғиз		1 093	"Чўлпон" НМИУ
		туркман		1 073	"Чўлпон" НМИУ
3	Немис тили	қорақалпоқ	8	9 587	"Чўлпон" НМИУ
		Барча тиллар учун		89 250	"Ўқитувчи" НМИУ
		ўзбек		520 768	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		рус		32 940	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қозоқ		8 196	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		тожиқ		9 053	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
8	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	қирғиз	8	1 089	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		туркман		1 013	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қорақалпоқ		10 996	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		ўзбек		520 768	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		рус		32 940	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қозоқ		8 196	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
11	Жаҳон тарихи	тожиқ	9	9 053	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қирғиз		1 089	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		туркман		1 013	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		қорақалпоқ		10 996	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		ўзбек		548 365	"Ўзбекистон" НМИУ
		рус		30 417	"Ўзбекистон" НМИУ
12	Иқтисодий билим асослари	қозоқ	9	8 533	"Ўзбекистон" НМИУ
		тожиқ		9 327	"Ўзбекистон" НМИУ
		қирғиз		1 188	"Ўзбекистон" НМИУ
		туркман		955	"Ўзбекистон" НМИУ
		қорақалпоқ		10 684	"Ўзбекистон" НМИУ
		ўзбек		548 365	"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН
5-MRT					
1	Алифбе	ўзбек	1	420002	"Маънавият" нашриёти
2	Ёзув дафтари	ўзбек	1	420002	"Чўлпон" НМИУ
3	Она тили (Ana tili)	қорақалпоқ	2	9587	"Ўзбекистон" НМИУ
4	Она тили (Ana tili)	қозоқ	2	7384	"Ўзбекистон" НМИУ
5	Она тили (Забони модари)	тожиқ	2	8058	"Ўзбекистон" НМИУ
6	Она тили (Эне тили)	қирғиз	2	1093	"Ўзбекистон" НМИУ
7	Она тили (Ene dili)	туркман	2	1073	"Ўзбекистон" НМИУ
8	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	қорақалпоқ	2	9587	"Ўзбекистон" НМИУ
9	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	қозоқ	2	7384	"Ўзбекистон" НМИУ
10	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	тожиқ	2	8058	"Ўзбекистон" НМИУ
11	Ўқиш китоби (Оқу китеби)	қирғиз	2	1093	"Ўзбекистон" НМИУ
12	Ўқиш китоби (Okuw kitabu)	туркман	2	1073	"Ўзбекистон" НМИУ
14	Русский язык	рус	3	48011	"Ўзбекистон" НМИУ
15	Она тили (Ana tili)	қорақалпоқ	3	9855	"Ўзбекистон" НМИУ
16	Она тили (Ana tili)	қозоқ	3	7447	"Ўзбекистон" НМИУ
17	Она тили (Забони модари)	тожиқ	3	8104	"Ўзбекистон" НМИУ
18	Она тили (Эне тили)	қирғиз	3	1049	"Ўзбекистон" НМИУ
19	Она тили (Ene dili)	туркман	3	1019	"Ўзбекистон" НМИУ
20	Книга для чтения	рус	3	48011	"Ўзбекистон" НМИУ
21	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	қорақалпоқ	3	9855	"Ўзбекистон" НМИУ
22	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	қозоқ	3	7447	"Ўзбекистон" НМИУ
23	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	тожиқ	3	8104	"Ўзбекистон" НМИУ
24	Ўқиш китоби (Оқу китеби)	қирғиз	3	1049	"Ўзбекистон" НМИУ
25	Ўқиш китоби (Okuw kitabu)	туркман	3	1019	"Ўзбекистон" НМИУ
28	Литература (1 часть)	рус	8	32940	"Ўзбекистон" НМИУ
29	Литература (2 часть)	рус	8	32940	"Ўзбекистон" НМИУ
30	Француз тили	барча тиллар учун	8	58128	"Ўзбекистон" НМИУ
31	Жаҳон тарихи	ўзбек	8	520768	"Чўлпон" НМИУ
		рус		32940	"Чўлпон" НМИУ
		қозоқ		8196	"Чўлпон" НМИУ
		тожиқ		9053	"Чўлпон" НМИУ
		қирғиз		1089	"Чўлпон" НМИУ
		туркман		1013	"Чўлпон" НМИУ
32	Иқтисодий билим асослари	қорақалпоқ	8	10996	"Чўлпон" НМИУ
		ўзбек		520768	"Чўлпон" НМИУ
		рус		32940	"Чўлпон" НМИУ
		қозоқ		8196	"Чўлпон" НМИУ
		тожиқ		9053	"Чўлпон" НМИУ
		қирғиз		1089	"Чўлпон" НМИУ



2010—2011 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 2-, 3-, 8- ва 9-синф ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган Тендер савдоларида (2-MRT, 3-MRT, 4-MRT, 5-MRT, 6-MRT) ғолиб бўлган иштирокчилар рўйхати

(Давоми. Боши 10-бетда.)

		туркман	8	1013	"Чўлпон" НМИУ
		қорақалпоқ	8	10996	"Чўлпон" НМИУ
34	Русский язык	рус	9	30417	"Ўзбекистон" НМИУ
35	Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili)	қорақалпоқ	9	10684	"Ўзбекистон" НМИУ
36	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	қозоқ	9	8533	"Ўзбекистон" НМИУ
37	Қирғиз тили (Қыргыз тили)	қирғиз	9	1188	"Ўзбекистон" НМИУ
38	Тожиқ тили (Забони тоҷикӣ)	тожиқ	9	9327	"Ўзбекистон" НМИУ
39	Туркман тили (Türkmen dili)	туркман	9	955	"Ўзбекистон" НМИУ
40	Литература (1 часть)	рус	9	30417	"Ўзбекистон" НМИУ
41	Литература (2 часть)	рус	9	30417	"Ўзбекистон" НМИУ
42	Француз тили	барча тиллар учун	9	59467	"Ўзбекистон" НМИУ
43	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	Ўзбек	9	548365	"Ўзбекистон" НМИУ
		рус	9	30417	"Ўзбекистон" НМИУ
		қозоқ	9	8533	"Ўзбекистон" НМИУ
		тожиқ	9	9327	"Ўзбекистон" НМИУ
		қирғиз	9	1188	"Ўзбекистон" НМИУ
		туркман	9	955	"Ўзбекистон" НМИУ
		қорақалпоқ	9	10684	"Ўзбекистон" НМИУ

6-MRT					
2	Алгебра	Ўзбек		520 768	"Ўқитувчи" НМИУ
		рус		32 940	"Ўқитувчи" НМИУ
		қозоқ		8 196	"Ўқитувчи" НМИУ
		тожиқ	8	9 053	"Ўқитувчи" НМИУ
		қирғиз		1 089	"Ўқитувчи" НМИУ
		туркман		1 013	"Ўқитувчи" НМИУ
		қорақалпоқ		10 996	"Ўқитувчи" НМИУ
3	География	Ўзбек		520 768	"Шарқ" НМАК
		рус		32 940	"Шарқ" НМАК
		қозоқ		8 196	"Шарқ" НМАК
		тожиқ	8	9 053	"Шарқ" НМАК
		қирғиз		1 089	"Шарқ" НМАК
		туркман		1 013	"Шарқ" НМАК
		қорақалпоқ		10 996	"Шарқ" НМАК
4	Одам ва унинг саломатлиги	Ўзбек		520 768	"Ўқитувчи" НМИУ
		рус		32 940	"Ўқитувчи" НМИУ
		қозоқ		8 196	"Ўқитувчи" НМИУ
		тожиқ	8	9 053	"Ўқитувчи" НМИУ
		қирғиз		1 089	"Ўқитувчи" НМИУ
		туркман		1 013	"Ўқитувчи" НМИУ
		қорақалпоқ		10 996	"Ўқитувчи" НМИУ
5	Ўзбекистон тарихи	Ўзбек		520 768	"Ўқитувчи" НМИУ
		рус		32 940	"Ўқитувчи" НМИУ
		қозоқ		8 196	"Ўқитувчи" НМИУ
		тожиқ	8	9 053	"Ўқитувчи" НМИУ
		қирғиз		1 089	"Ўқитувчи" НМИУ
		туркман		1 013	"Ўқитувчи" НМИУ
		қорақалпоқ		10 996	"Ўқитувчи" НМИУ

САРҲИСОБ ВА САМАРА

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Хоразм вилояти Хонқа туман бўлими ўз атрофида 5672 нафар аъзони жипс-лаштирган. Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишни яхшилаш, уларга етарли иш ва дам олиш шароитлари яратиб бериш, айниқса, аёллар ва ёшлар меҳнатини муҳофаза қилиш каби долзарб маса-

лалар туман бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг ҳамиша диққат марказида турибди.

Ходимлар ва ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларни баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида тумандаги барча таълим муассасаларида маънавият хоналари ва заллари ташкил этил-

ган. Узвий тарзда «Уч авлод учрашуви», «Бир пиёла чой устида суҳбат» каби учрашувлар, «Йилнинг энг намунаси таълим муассасаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили», «Энг намунали бошланғич ташкилот» каби кўрик-танловлар ўтказиб борилади. Турли йўналишдаги спорт мусобақалари ва хотира турнирлари ташкил этиш анъанага айланиб қол-

ган. Мунтазам ўтказиб келинаётган «Таълим ходимлари спартакиадаси», «Раҳбар ходимлар спартакиадаси», «Аёллар спартакиадаси» сингари тадбирларда Хонқа тумани терма жамоаси аъзолари вилоятда биринчиликни қўлдан бермай келаётир.

Сайёра Рўзметова раҳбарлик қилаётган 42-мактаб бошланғич ташкилоти

«Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг республика босқичида муваффақиятли қатнашди. «Оиламиз оҳанглари» кўрик-танловининг вилоят босқичида Хонқа туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Икромбой Дўстжонов ғолиб бўлди.

Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ

Kasaba uyushmalari hayotidan

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти куйидаги кафедралар бўйича профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

I. Чизматасвир кафедраси

1. Доцент
2. Ўқитувчи

II. Дизайн кафедраси

1. Доцент
2. Катта ўқитувчи

III. Театр беази рангасвири кафедраси

1. Профессор
2. Доцент
3. Катта ўқитувчи

IV. Тасвирий санъат тарихи ва назарияси

1. Доцент

V. Менежмент ва информатика кафедраси

1. Доцент

VI. Маҳобатли рангасвир кафедраси

1. Катта ўқитувчи

VII. Ҳайкалтарошлик кафедраси

1. Катта ўқитувчи

VIII. Ижтимоий фанлар кафедраси

1. Доцент
2. Катта ўқитувчи
3. Ўқитувчи

IX. Тиллар ва адабиёт кафедраси

1. Ўқитувчи

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни такдим қилишлари лозим:

- институт ректори номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларининг нусхалари;
- илмий ва ўқув-методик ишлари, ижодий ишлари рўйхати, ижодий ишлар фотоальбоми, каталоглар.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур институтнинг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Солиқ Азимов кўчаси, 35-уй. Тел.: 232-18-10, 232-17-61

Океан ортидаги Йель университетининг Байнек ноёб китоблар кутубхонасида «дунёнинг энг жумбокли кўлёмаси» деб эътироф этилган асар сақланади. «Войнич кўлёмаси» номини олган бу китоб тахминан 500 йил олдин номаълум ёзувчи томонидан номаълум тилда, энг кизиги, ҳалигача фанга номаълум бўлган алифбода ёзилган. Шу пайтгача унга бағишланиб ўнлаб асарлару юзлаб мақолалар чоп этилганига қарамай, ҳозирда ҳеч ким уни ўқишга муваффақ бўлолмапти. Китобдаги кўлаб расмлар унинг сирлигини кучайтирмакда, холос. Мутахассислар эса бу борада икки гуруҳга бўлинган: бирлари асар аниқ мантикий тузилишга эга тилда ёзилган деса, қолганлари кўлёмма шунчаки мазмунсиз белгилар тўплами бўлиши мумкин, деган фикрда.

Яқинда мазкур асар устида янги йўналишда тадқиқот олиб борилиши илм аҳли томонидан эълон қилинди. Хўш, нима сабабдан ушбу қадимий кўлёмма шу даражада эътиборни ўзига тортган? Изланишлар бу гал ўз самарасини бериб, уни ўқий олишга эришиладими?

ДАСТЛАБКИ САМАРАСИЗ УРИНИШЛАР

Аслида кўлёмма мазмунини техника тараққийотининг энг сўнгги ютуқлари ёрдамида билишга ҳаракатлар 1912 йилдан бошланган. Ушанда америкалик саҳхоф (эски ва нодир китоблар сотувчи), машҳур адиба Этель Лилиан Войничнинг эри Вилфрид Войнич кўлёммани Италияда Мондрагонадаги руҳонийлардан сотиб олади. Китобдаги матнни ўқиш мақсадида у бу ишга киришган барча инсонларни фото-нусхалар билан таъминлаб турган.

Бир қарашда Ўрта асрларнинг доривор ўсимликлари китобига ўхшаш кўлёммани ўқиш у даражада ҳам қийинчилик туғдирмаслиги керакдай туюлади. Матн бир текис ёзилган, белгилар ҳам шундай қўйиб чиқилганки, гўё хаттот ўзига тушунарли бўлган матнни битаётгандек. Худди у ўзига таниш тил ёки шевадаги матнни ёзгани каби. Аммо бутун дунё тилшунослари асар айнан қайси тилда битилганини ҳануз билолмаётгани ажабланарли.

Уларнинг айтишича, «Войнич кўлёммаси» тили ҳеч бир Европа тилларига ўхшамас экан. Масалан, унда узун — 10та ҳарфдан иборат ва бир ёки икки ҳарфли сўзларнинг ўзи йўқ. Сўз ичидаги ҳарфлар ҳам ўзига хос жойлашган: баъзи белгилар фақат сўз бошида, қолганлари фақат охирида, яна бир қанчаси сўз ўртасида учрайди. Бу хусусият кўпроқ араб тилига хосдир. Кўлёмма алифбоси кўринишдан шу пайтгача маълум бирор-бир тил тузилиши тизимига тўғри келмагани боис, унинг қачон яратилгани борасида ҳам асарнинг яратилиши даври сифатида айнан шу пайт кўрсатилади.

БЕШ БЎЛИМДА АКС ЭТГАН БОРЛИҚ(МИ?)

Кўпчилик олимларнинг тинчини ўғирлаган бу китоб 23x16 сантиметр ҳажмда бўлиб, 262 пергамент саҳифадан иборат. Рақамларга қараб, унинг 14 саҳифаси йўқолгани аниқланган. Кўлёмма беш хил рангдаги сиёҳ билан ғоз паида ёзилгани маълум. Кизиги, ундаги баъзи ҳарфлар юнон ёки лотин имлосига жуда ўхшаш. Шунга қарамай, ушбу белгилар аввал бошқа бирорта ҳам китобда учрамаганини мутахассислар таъкидлашмоқда. «Сайнс» журналида ёзилишича, охириги бўлимдан ташқари, ҳозирга қадар сақланиб қолган деярли барча саҳифаларда турли хил суратлар тасвирланган. Уларнинг ёрдамида асарни бешта — ботаника, астрономия, биология, тиббиёт ва астрология бўлимларига ажратиш мумкин.

Бўлимларнинг энг каттаси ботаникага оид қисми бўлиб, у юздан ортиқ турли гиёҳ ва ўсимлик расмини ўз ичига қамраб олган. Уларнинг аксарият қисми ҳалигача илм-фанга маълум эмас. Иккинчи, яъни астрономия бўлими ҳам биринчиси каби услубда бўлиб, ундан Кўёш, Ой ва юлдуз туркумлари суратлари бор диаграммалар жой олган.


Биология бўлимида кўлаб нимфа (юнун афсоналарида аёл образидаги илоҳа)лар тасвирланган. Суратларда улар яшил рангдаги суюқлик ичида ёки қувурсифат найларга уланган тарзда акс этади. Олимларнинг тахминига кўра, китобнинг бу қисмида ҳаётий жараёнлар, руҳ ва тананинг ўзаро ало-

қалари тасвирланган бўлиши мумкин. Астрология бўлими эса ҳар хил туморлар, 12та буржни акс эттирувчи белгилар расмлари билан тўла. Ва ниҳоят илгари сурилатган фаразларга кўра, сўнгги — тиббиёт бўлимида турли касалликларни даволаш усуллари ва бу борадаги маслаҳатлар баён этилган. Тадқиқотчилар кўлёмма матни чапдан ўнг томонга қараб ёзилгани, бўлимлар алоҳида параграфларга ажратилганини эътироф этишяпти. Унда одадий тиниш белгилар қузатилмасда, матн чиройли ва аниқ хусниҳатда ёзилганки, агар алифбони аниқлашнинг

мулки ҳисобланган ноёб асарларнинг бир қисмини сотувга чиқаради. Вилфрид Войнич бўлса шу пайт ушбу воқеадан хабар топади ва ҳозирда унинг номи билан аталувчи кўлёмма билан биргаликда яна 30га яқин китоб харид қилади. Унинг вафотидан сўнг эса асарни китоб сотувчи Ханс Краус сотиб олади. Харид қилиб оладию, кейинчалик кўлёммани қайта сотмоқчи бўлганида унга мижоз тополмай қийналади ва шу сабаб 1969 йили асарни Йель университети кутубхонасига тақдим этади. «Войнич кўлёммаси» айнан шу даргоҳда ҳозирга қадар сақланади.

МУАЛЛИФИ-ЧИ?


Ушбу ноёб ва айни пайтда ғайриоддий китоб муаллифининг номи ҳам ҳалигача кўлаб олимларни ўйлантирмоқда. Шунга қарамай, китобнинг муаллифлигига даъвогарлар етарлича топилади. Мутахассисларнинг фикрича, асар XIII асрда яшаган руҳоний Рожер Бэкон қаламига мансуб бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Мазкур фикрнинг юзага келиши сабаби шундаки, қирол Рудольфга кўлёммани сотиши мумкин бўлган ягона инсон бу қиролича Елизавета I саройида яшаб, ижод қилган



сифатида ушбу инсон қаламига мансуб «Гиёҳлар ҳақидаги рисола» асари 1550 йилда дунё юзини кўргани келтирилади. Лекин «Войнич кўлёммаси»да доривор ўсимликларга бағишланган бўлим бўлса-да, Энтони Эскемнинг криптографиядан хабари бўлган, бўлмаганини тасдиқловчи далиллар ҳали топилмагани ушбу фикрнинг тўғрилигини ҳозирча инкор этмоқда.

«ВОЙНИЧ КЎЛЁММАСИ»:

сирли китобни ўқишнинг уддасидан чиқиладими?



имкони бўлганида, китобни ўқиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди.

АСЛ ЭГАСИ КИМ ЭДИ?

Кўлёмма ҳақидаги илк гап-сўзлар қирол Рудольф II Прагада ҳукмдорлик қилган вақтда тилга олинган. Китобнинг ичидаги мактубда ҳукмдор унинг эгаларидан бири бўлгани ёзилган. Аммо бунга аниқ далил йўқлиги сабаб, Вилфрид Войнич кўлёммани қиролга Жон Ли ёки Эдвард Келли исмли алхимёгарлар сотган, деб тахмин қилган. Шунга қарамай, китобга чиндан ҳам эгалик қилган баъзи шахслар номлари маълум. Бунда Якоб Хорчицки кўлёмманинг аниқ исботланган илк эгаси сифатида эътироф этилади. Бу инсон қирол Рудольф IIнинг саройида кимёгар ва шифокор бўлиб ишлаган ва айнан шу шахснинг имзосини китобнинг биринчи саҳифасида кўриш мумкин.

Кўлёммага аниқ эгалик қилган яна бир шахс — бу Георг Бареш бўлиб, XVII аср бошида Прагада яшаган чехиялик алхимёгар эди. Унинг ўлимидан сўнг китоб Прага университети ректори Маркус Марцининг қўлига тушади. У ўз замонасининг таниқли олими ва дўсти Атанасиус Кирхер Миср иероглифларини ўқий олишга муваффақ бўлганини эшитиб, асарни мутахассисга жўнатишга қарор қилади. Китобнинг бир қисмидан нусха олган Марци 1666 йили асарга ўз қўли билан ёзган хатни илова қилиб юборади. Мазкур нома ҳозирги кунгача кўлёмма ичида сақланиб қолган.

Асарнинг кейинги 200 йиллик тақдири номаълум, лекин у Кирхернинг бошқа асарлари билан айни кунда Григориан университети номини олган олий ўқув юрти кутубхонасида сақланган, деган фикр ҳақиқатга энг яқиндир. 1912 йили эса моддий қийинчиликларни бошидан кечираётган ўқув маскани раҳбарияти махфий ҳолда ўз


математика ва астрология илми олими Жон Ди эканлигидадир. Қиролича Бэкон кўлёммалари сақланадиган улкан кутубхонага эгалик қилган. Жон Ди эса уларни ўрганиш билан ҳам шугулланган. Аммо математик олим ҳамма ишлари, ҳатто энг кичиги ҳам батафсил баён этилган кундаликлар тутган. Уларда эса кўлёмма ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шу боис мазкур ҳулосани асосли деб бўлмайд.

Муаллифликка номзод сифатида Жон Дининг Прагадаги дўсти Эдвард Келли ҳам кўрсатилади. Чунки ҳаваскор алхимёгар бўлган бу инсон ўз билимларига таянган ҳолда мазкур асарни ёзган бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда, 1912 йили Вилфрид Войнич томонидан амалга оширилган кўлёмманинг фотостатик репродукцияси (яъни, фотоаппарат каби ускуналар ёрдамида суратдан нусха олиб кўпайтириш) асар Якоб Хорчицки томонидан яратилган, деган қарашни юзага келтиради. Сабаби, китобнинг илк саҳифасида бир нечта чаплашиб кетган доғ излари, аниқроғи, ўчиб кетган ёзув ёки имзолар кўринган. Улар кимёвий моддалар ёрдамида ўқилганида, «Jacob's'a Терепесе»га ўхшаш сўз бирикмаси намоён бўлган. Аммо олимлар бунда ҳам эҳтиёткорлик билан тахмин қилишмоқда. Бу бирикма айнан шу сўзлардан ташкил топган, деган қатъий фикр йўқ. Айни пайтда ушбу тахмин ҳақиқатга яқин ҳам кўринади: Якоб Хорчицки аслида доривор гиёҳлар бўйича замонасининг етук мутахассисларидан, шунингдек, қирол Рудольф IIнинг шахсий шифокори ва унинг ботаника боғи назоратчиси ҳам бўлган.

Маркус Марцининг фикрдоши ва дўсти Рафаэль Мнишовски криптография (сирли белги ва ишоралар билан ёзиш тизими) мутахассиси бўлган ва тахминан 1618 йилда даставвал ўқиб бўлмас, дея тан олинган шифр муаллифи экани тадқиқотчиларга маълум. Шу сабаб мазкур инсон ҳам кўп ҳолларда кўлёммани яратган олимлардан бири, дея кўрсатилади. Асарни ўқишга ҳаракат қилган тадқиқотчилардан бири доктор Леонелл Стронг кўпсонли ҳарфлар тизимига асосланган арифметик прогрессияларнинг иккиламчи системасига таянган ҳолда иш олиб борган. Унинг таъкидлашича, китоб XVI асрда инглиз олими Энтони Эскем томонидан ёзилган бўлиб, бунга далил

ПЕРГАМЕНТ ВА СИЁҲЛАР — ҲАҚИҚИЙ!

Асар муаллифини аниқлаш ҳаракатлари шу даражада авж олиб кетдики, охир-оқибат кўлёмма Вилфрид Войничнинг ўзи томонидан ёзилган, деган тахмин илгари сурила бошланди. Боиси, қадимий китобларга қизиқувчи, ўрганувчи ва бир пайтнинг ўзида уларни олиб, сотувчи шахс сифатида Войнич сирли белгилар тизими яратиш борасида етарлича билимга эга бўлганининг эҳтимоли жуда юқоридир. Бунинг устига, агар кўлёмма Рожер Бэкон қаламига мансуб, аммо гўёки йўқолган ёки шу пайтгача топилмаган асар сифатида кенг жамоатчиликка тақдим этилса, унинг қиммати жуда ҳам баланд баҳолиниши турган гап эди. Шунинг учун китоб муайян матн эмас, балки нотаниш белгиларнинг ҳеч бир маъносиз йиғиндиси, деган фикр тарафдорлари кўпга бошлади. Лекин 2009 йилнинг охирига келиб Аризона университети ва Чикаго институтида бир пайтнинг ўзида кўлёмма пергаменти ва фойдаланилган барча сиёҳларнинг радиоуглеродли таҳлили ўтказилган. Натижада, уларнинг барчаси бир даврда — 1404—1438 йиллар ораллигида яратилгани аниқланди. Бу эса ўз




навбатиди, асар салкам 500 ёшда эканини билдиради, деб ёзади «Воред Вондерс» нашри.

Аслида асарни ўқишга саъй-ҳаракатларда 1944 йили криптограф Вильям Фридман матн сунъий равишда яратилган маълум бир тил тизимида асосланган, деган фикрни ташлаганида олдинга силжиш сезилган. Бироқ унинг ўзи бу тизимни аниқлашнинг уддасидан чиқолмаган. Шунга қарамай, кўлёмма топилганига беш аср, унинг тадқиқ этилаётганига юз йил тўлаётган бўлса-да, энг замонавий криптографик таҳ-

Topildi

Лил ва суперкомпьютер ёрдамида ҳам унинг таржимаси ёки ҳаттоки ёзилган тили аниқланмагани мутахассисларни ҳаракатдан тўхтатганича йўқ. Асарни ўрганаётган бугуннинг етакчи криптографларидан бири Жим Ридзнинг таъкидлашича, суперкомпьютерлар ўзидан сирли кодларни одатий тилга ўгириб бериш қудратига эга эмас. Чунки бунинг учун уларни тўғри йўналтирадиган ва қандай амалга ошириш зарурлиги борасида аниқ буйруқ берадиган мутахассислар талаб этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда кўлёманинг ҳозирги эгаси Йель университети уни ўқишга қаратилган янги лойиҳа ишга тушишини эълон қилди.

Сўнг ишга Вашингтон университетида фаолият юритадиган информатика фани профессори Ражеш Рао киришди. Унинг сўзларига қараганда, ҳозирга келиб тили унут бўлган қадимий матнлар маъносини аниқлашга ёрдам берадиган махсус компьютер дастури ишлаб чиқилган. Уни яратишда эса алоҳида-алоҳида генлар ёрдамида ДНК занжирини тузишда генетик олимлар томонидан фойдаланиладиган дастурлар асос қилиб олинган.



— Дастур белгиларнинг кетма-кетлигига таянган ҳолда ишлайди, шунинг учун уни исталган турдаги номаълум ва маълум матнлар мажмуи тадқиқоти учун қўллаш мумкин, — деди бу борада Ражеш Рао.

«КАЛИТ СЎЗЛАР» ТОПИЛДИ

Профессорнинг таъкидлашича, ҳар қандай тил ва ҳар бир адабий жанрда бошқаларига нисбатан кўпроқ қўлланиладиган сўзлар, албатта, учрайди ва бундан келиб чиқиб, шу асосда матнни тўлиқ билмаган ҳолда ҳам унинг тахминий мазмунини белгилаш мумкин. Олим ўз назарияси ва дастурининг амалий самарасини текшириш мақсадида Чарльз Дарвин қаламига мансуб «Турларнинг келиб чиқиши» асарини компьютерда таҳлил қилган. Натижа қутилганидек бўлди: компьютер ушбу асарда энг кўп учрайдиган сўзлар «турлар», «танлаш» ва «ороллар» эканини кўрсатди. Шундан сўнг худди шу тарзда «Войнич кўлёмаси» текширилди. Бунда компьютерга асарда аниқланган барча (улар эса 28та) белгилар киритилди. Ҳисоблаш машинаси бўлса улар матннинг қай қисмида, қандай бирикмаларда учрашини кўрсатиб берган. Якуний натижа масалага ойдинлик киритди: кўлёмза матни маъносиз белгилар мажмуи эмас, аксинча ҳақиқатдан ҳам реал мазмун моҳиятга эга экан. Бунинг устига, унинг структураси Ўрта асрлардаги Европа тилларига жуда ўхшаши ҳам аниқланди. Шунингдек, матндаги асосий «калит» сўзлар ҳам топилди. Айтиш жоизки, бу асарни ўрганиш бошланган даврдан бери олдинга ташланган катта қадамдир. Эндиликда ушбу сўзлар нима маъно англатишини аниқлаш қолди, холос. Профессор Раонинг айтишича, фақат шундагина «Войнич кўлёмаси» қайси тилда ёзилганига қарамай, унинг мазмунини билиш имкони туғилади.

Наргиза ИБРОҲИМОВА

СУВОСТИ ОҚИМИ

Япония ва Австралия олимлари биргаликда Ҳинд океани ҳавзасида ҳажми бўйича Амазонка дарёсидан 40 баробар катта улкан сувости оқимини аниқладилар. «Нэйче Геосайнс» журналида ёзилишича, тадқиқотчилар уни океан сатҳидан 3 км. чуқурликдаги сув массаларининг ҳаракати сифатида таърифлашмоқда. Улар мазкур оқим сайёрамиз иқлимнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга, деган фикрда.

— Оқим туфайли Антарктидадаги кислород билан тўйинган сувлар Ер сайёраси шимолидаги чуқур океан ҳавзаларига ўтади, — дейди олимлардан бири Стив Ринтоул. — Антарктида сувларисиз океан тубидаги сув массалари кислородга тўйинмай қолиши мумкин эди. Жараёнда чуқур океан ости оқимларининг хариталарини тузиш уларнинг Ер иқлимига таъсирини ўрганиш имконини беради.




Тадқиқот давомида олимлар сув қаърида бир неча станция ташкил этганлар. Улар ёрдами билан икки йил давомида оқимнинг тезлиги ва сувдаги туз миқдорини ўрганишга имконият туғилди. Олинган маълумотларга қараганда, оқим суви тезлиги секундига 12 миллион кубметрга тенг экан.

6 МАМЛАКАТДА СИНАБ КЎРИЛАДИ

Европада Альцгеймер касаллиги (ёш ўтгани сари хотира ёки бошқа салоҳият билан боғлиқ функцияларнинг сусайиши)га қарши янги дори синовининг иккинчи босқичи бошланди. Австриянинг «AFFIRIS» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган мазкур восита самарасини ҳозирча олти мамлакат — Австрия, Германия, Франция, Чехия, Словакия ва Хорватияда текширувдан ўтказиш режалаштирилмоқда. Бу ҳақида roritech.com манбасида маълум қилинди.

Компаниянинг ижрочи директори Вальтер Шмидтнинг гапларига қараганда, клиник синовларнинг илк босқичи ўтган йили бошланганди. Уларнинг натижасида, вакцина хавфсиз экани ва салбий таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. Шундан сўнг мутахассислар дорининг самарасини белгилайдиган навбатдаги босқични бошлашга қарор қилишган.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, AD02 вакцинаси бета-амилоиди дея номланган генга қарши курашади. Айнан шу генининг организмда йиғилиб қолиши Альцгеймер касаллигига олиб келади. Дастлабки босқич синовларида юқорида кўрсатилган давлатлардан жами 420 нафар кўнгилчилар иштирок этганди. Навбатдагиси учун эса ҳозир яна кўнгилчилар рўйхати тузилмоқда. Якуний натижалар 2012 йили жамоатчиликка тақдим этилиши маълум қилинди. Шундан сўнг амалга оширилиши кўзда тутилаётган учинчи босқичда 1000га яқин бемор иштирокида унинг амалий таъсири ўрганилади. Барча синов ишларидан кейин дори-дармон воситаси мутахассислар тавсияси билан сотувга чиқарилади.

ЮГУРИШДАН ҲАМ ФОЙДАЛИРОК

Океан ортидаги Лом Линд номидаги университет ходимлари кулгунинг организмга ижобий таъсири ҳаттоки jismoniy harakatlardan ҳам фойдалироқ эканини айтишмоқда. Сабаби, у қон босими пасайишига туртки бўлади, руҳий зарбадан ҳалос этади ва иммунитет тизимини мустаҳкамлайди. Бу борада ўтказилган изланиш табассумнинг фойдасини яна бир қарра исботлади, деб ёзади «Дэйли Телеграф» нашри.



Таърибада иштирок этганлар даставвал 20 дақиқа давомида комедия жанридаги фильмни томоша қилган. Сўнг уларнинг ҳолати лаборатория шароитида таҳлил этилган. Натижада, қатнашчиларнинг организмда тушқунлик гормонлари кескин равишда камайгани, иммунитет хужайралари эса аксинча кўпайгани, қон босими ва холестерин моддаси миқдори тушгани аниқланган. Қолаверса, «кулгу терапияси»дан кейин уларда jismoniy harakatlardan сўнг кузатиладиган иштаха очилиши ҳолати ҳам қайд этилган.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу натижалар кулгу юрак хасталиклари ва қандли диабет касаллигига қарши самарали восита бўлишини кўрсатган. Даволашнинг бундай усули jismoniy harakatlardan машқларни бажаришга қийналадиган кекса беморлар учун айнақса қўл келади.

Бунинг устига, тадқиқот раҳбари Ли Берк салкам йигирма йил давомида кулгунинг таъсирини ўрганиб, табассум қилиш саратон касаллиги аниқланган беморларда зарарланган хужайраларнинг нобуд бўлишига олиб келишини ҳам исботлади.



АСТЕРОИД СУРАТЛАРИ ЁЗДА ОЛИНАДИ

Тарихда илк мартаба Япониянинг самовий зонди «Хаябуса» ёрдамида астероид тупроғи намунасини олиш эҳтимоли мавжудлиги айтилмоқда. Самовий jismoniy harakatlardan тупроғи солинган кути жорий йил ёзда Жанубий Австралиядаги энг йирик таж-

риба майдонида туширилади. Сўнг самовий аппаратнинг ўзи ҳам шу ҳудудга пастлайди, дейилади space.com электрон манбасида.

Аслида «Хаябуса» аппарати 2005 йилнинг охирида Итокава астероиди яқинидан учиб ўтганди. Ўша пайтда зонд самовий jismoniy harakatlardan маълум муддат кўнган ҳам, гарчи бу ҳаракат олдиндан режалаштирилмаган бўлса-да. Ярим соатдан кейин уни тарк этган «Хаябуса» зонди «Итокава» астероидига қўниб, ундан қайта парвоз қилган. Зонд самовий jismoniy harakatlardan юзасида етарлича вақт давомида тургани ва белгиланганидек намуна олгани аниқ кузатилмаса ҳам, олимлар қутида астероид чанги ҳамда тупроғи борлигига умид боғлашмоқда.

Шу билан биргаликда, зонд ёрдамида 1600та сурат олинган, «Итокава» юзаси ва унинг таркибини ўрганишга ёрдам берадиган жуда катта ҳажмдаги ахборот ўғунлашга муваффақ бўлган. Бундан етти йил олдин самога чиқарилган «Хаябуса»нинг бундай ишларни амалга оширгани муҳандислар томонидан мўъжиза, деб эътироф этилмоқда. Чунки унинг бир неча мартаба ишламай қолгани, ёқилгиси оқиб кетгани ва аккумулятори панд бергани кузатилганди.



Ўтган йили эса Япония аэрокосмик агентлиги томонидан «Хаябуса»нинг Ерга қайтишига ишонч билдирилмаган ҳам эди. Шунга қарамай, мутахассислар унинг ишлашдан салкам тўхтаб қолган иккита қисмини бирлаштиришнинг уйдасидан чиқишган. Эндиликда самони ўрганиш бўйича янги тадқиқотлар аппарат қутиси ичидаги намуналар асосида олиб борилиши маълум қилинмоқда.

ЗАРАРНИ ЎРГАНИШ УЧУН 30 ЙИЛ

Буюк Британия тадқиқотчилари мобил телефонларнинг инсон соғлигига таъсирини ўрганиш бўйича шу пайтгача ўтказилган изланишларнинг энг кенг қўламисини амалга ошириш ниятида. Қисқача «Cosmos» (инглизчада cohort study on mobile communications — мобил алоқа воситаларининг йирик тадқиқоти) номини олган мазкур лойиҳага бешта мамлакатдан 250 минг нафар иштирокчи жалб этилган. Бу ҳақида «Би-Би-Си» маълум қилди.

Лойиҳа муаллифларининг маълум қилишича, 100 мингга яқин британияликлар билан биргаликда Дания, Финляндия, Голландия ва Швеция фуқаролари ҳам тадқиқотда қатнашиш истагини билдирган. Жараёнда олимлар 20-30 йил давомида уяли алоқа воситасидан фойдаланадиган инсонлар соғлигини доимий равишда назорат қилиб боради. Бунда, хусусан, кун давомида телефондан фойдаланиш вақти ҳам кузатилади. Мутахассислар мия ва тери саратонининг баъзи турлари, нейродегенератив касалликлар, шунингдек, бош оғриғи, тиннитус (қулоқларда шовқин пайдо бўлиши ҳолати), тушқунлик ва уйқунинг бузилиши ҳолатларига алоҳида эътибор қаратиш ниятида.



Уяли алоқа воситасидан ташқари яна электр-магнит тўлқинлар ёрдамида ахборот узатишга мўлжалланган қатор бошқа ускуналар — Вай-фай (Wi-Fi), радиотелефон, болалар учун мўлжалланган рация аппаратининг таъсирини ҳам ўрганиш ниятида.

Айтиш керакки, бундан олдинги баъзи изланишларда бир-бирига зид натижалар олинган. «Cosmos» лойиҳасининг ташкилотчиларидан бири, профессор Лори Чаллисининг гапларига кўра, аксарият ҳолларда мобил телефонлар саратон касаллигини келтириб чиқармаслиги аниқланган. Шу сабаб ҳам мазкур масала борасида қатъий хулосани тақдим этиш дастур мақсадларидан бирига айланди.

БАҲАЙБАТ ЎТХЎР КАЛТАКЕСАК

Филиппин оролларида фанга илгари маълум бўлмаган улкан калтакесак тури аниқланди. Ҳайвоннинг тана узунлиги тахминан 2 метрга тенг бўлиб, у эчкемарлар оиласига мансуб эканини мутахассислар маълум қилишди. У Филиппин шимолининг Лусон оролидаги Сьерра-Мадра тоғ тизмасида яшайди, деб ёзади «наука.км.ру».



Аслида эчкемар йиртқич рептилия (судралиб ёки ўрмалаб юрадиган ҳайвон) ҳисобланади, лекин янги турдагиси мева ва резаворлар билан озиқланади. Калтакесакнинг териси ҳам эътиборни тортади, чунки унда оч сариқ, мовий ва яшил ранглар уйғун ҳолда намоён бўлади. Биология дарсликларида бу эчкемар Varanus bitatawa номи остида киритилиши таъкидланмоқда.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, шу пайтгача бу турдаги калтакесакнинг аниқланмаганига Лусон ороли етарлича чуқур ўрганилмагани сабаб бўлган. Қолаверса, рептилиянинг ўзи ҳам жуда яширин ҳаёт кечиради: у камдан-кам ҳолларда ўрмонни тарк этиб, очик майдонларга чиқади.

Н. РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



ҚУЁШГА ЎХШАЙДИ УСТОЗ

Устозни қуёшга қиёслагим келади. Чунки қуёш борлиққа нур сочади, ҳаёт бахш этади. Шогирдлари қалбига зиё улашаётган устоз ҳам қуёшдек. Эл-юрт, маҳалла-қўй бундай устозларни ҳурмат қилади, эъзозлайди. Улар ҳаммаша эл ардоғида бўлади.

Сайёра Аралова ҳам узоқ йиллардан буён ёшларга таълим-тарбия бериб, дунёдаги энг олижаноб касб билан шуғулланиб келади. У ўқувчиларга энг мураккаб фан — математикадан сабоқ беради. Ўз касбининг билимдони бўлгани, ёшларда фанга нисбатан қизиқиш уйғота олгани сабаб, Оқолтин туманидаги 12-умумтаълим мактабидан ундан сабоқ олганларнинг кўпчилиги математик бўлиб етишган. Ҳозирги кунда мактабда фаолият кўрсатаётган математика ва информатика фани ўқитувчилари Нарзулла Қўчқоров, Шоҳрух Мўминов, Равшан Бобомуродов Сайёра опанинг шогирдлари ҳисобланишади.

Сайёра опа асли Самарқанд вилояти Қўшработ туманида таваллуд топиб, 1980 йили Самарқанд давлат педагогика институтининг математика факультетига ўқишга кирди. 1984 йили ушбу олийгоҳни та-



момлагач, устозлик фаолиятини бошлади.

— Биз оғир шароитда қишлоқ мактабида ўқиган эдик, — деб эслайди Сайёра опа. — Дарсликлар, ҳатто оддий дафтар ҳам етишмас эди. Илк фаолият бошлаган даврларимизда ҳам мактаблардаги шароит оғир эди. Совуқ синфхоналар, ўқув куролларининг танқислиги... Бугун эса шаҳар тугул, қишлоқ мактабларига ҳам ҳавас қилса арзийди. Ўқитувчиларнинг мукамал дарс ўтишлари, изланишлари, мавзуни кенг қамровда ўқувчига етказиб беришлари учун барча шароитлар етарли. Бундай шароитда ишлаш биз ўқитувчиларга завқ бағишлайди.

Устоз мақомига эришиш, унинг юкини кўтариш осон эмас. Бунинг учун инсондан фидойилик, масъулият, ўз билимига ишонч талаб қилинади. Бундан бир неча йиллар олдин мактаб партасида сабоқ берган шогирдлари бугун мактабда у билан ҳамкасб. Ёш ўқитувчилар Сайёра опани ўзларига устоз деб билдилар.

«Халқ таълими аълоҳиси» Сайёра Аралова азиз умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этиб келётган устозлардан.

Фуллом РАВШАНОВ

Орамиздаги odamlar

Биз яшаб турган бу ҳаёт ҳар биримизни синовлардан ўтказди, иродамиз ва қарашларимизни шакллантиради. Кун сайин фикрларимиз, тажрибаларимиз сайқаллашиб бораверади. Бағдодлик муаллима Ҳилола Қамбарова ҳам ана шундай ҳаёт синовларидан ўтган, катта тажрибага эга, изланувчан педагоглардан. У болалигидан она тили ва адабиёт фанига ошуфта ўсди. Отаси — фидойи педагог Акмалиддин Зиёуддинов қизидаги истеъдодни тез пайқайди ва уни илҳомлантириб борди. Зехни ўткир, тиришқоқ Ҳилола тумандаги 3-мактабда ўқиётган пайтидаёқ устозлари эътиборига тушди. Она тили ва хорижий тилларга бўлган катта қизиқиши туфайли устозларининг яқин ёрдамчисига айланди. Ҳилола устозлари Эркин Мирзаназарова ва Олимжон Тешабоевдан инглиз тили фани сирларини

Ehtirom

нинг янада иштиёқ ва ғайрат билан ишлашига тўртки бўлди. Дарсларни илмий тарзда ташкил этиш, ҳар бир ўқувчига меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлиш, индивидуал машғулотларни мунтазам ўтказиш, янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, кўрғаз-малиликка эътибор, қўйинги, ўқитувчининг тинимсиз изланишлари, интилишлари унга фақат тумандагина эмас, вилоятда ҳам катта обрў келтирди.

Ҳилола Қамбарованинг инглиз тилини ўқитишдаги изланишлари ва тўплаган тажрибалари туман ва вилоят миқёсида оммалаштирилди.

— Ўқитувчи учун энг катта бахт — шогирдлари камолини кўриш, — дейди Ҳилолахан қатъий. — Мен ҳам бир оддий педагог сифатида юзлаб шогирдлар тайёрладим. Мени меҳнат қилишга,

МУАЛЛИМ ҚУВОНЧИ

қунт билан ўрганди ва келажакда улардек хорижий тиллар ўқитувчиси бўлишни кўнглига тугиб қўйди.

Университетни тугатгач, иш фаолиятини тумандаги 2-мактабда инглиз тили ўқитувчиси сифатида бошлади. Мана, шунга ҳам 15 йил бўлибди. Ўтган давр ичида у ўқитувчиликнинг нозик сирларини мактаб жамоасидаги илғор ўқитувчилар, устозларидан, шунингдек, туман ва вилоятда кўзга кўринган педагоглардан эринмай ўрганди. Натижада ўқувчилар билан ишлаш, улар шахси, иқтидорини ҳурмат қилиш, дарс жараёнида ўқитишнинг илғор инновацион усуллари билан фойдаланиш, янги педагогик услулари яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича катта тажриба тўплади.

1997 йилдан эса туманда илк бора ташкил этилган 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатига ишлай бошлади. Мактабда яратилган қулай шароит, жамоадаги ижодий муҳит, ўқувчиларнинг билимга чанқоқлиги Ҳилола Қамбарова-

яшашга ундовчи куч — шогирдларимнинг ҳаётда ўз ўринларини топишга интилиши. Улардан қувончи хабар эшитсам, бу оламга сиғмай кетаман! 32 нафар шогирдим чет элларда таълим олмоқда. Қаюмжон Ҳайдаров ва Алишер Умриддинов Токио университетини муваффақиятли тамомлаб, фан доктори унвонини олишди.

Ҳилола Қамбарованинг фидойи меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Юртбошимиз фармони билан «Ўқитувчи ва мураббийлар кўни» байрами арафасида унга давлатимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени топширилди.

— Менга берилган мукофотни вилоятимиз педагогларига берилган энг юксак эътибор деб биламан, — дейди Ҳилолахан Қамбарова. — Бунинг учун Ватаним, халқим ва Юртбошимдан чексиз миннатдорман. Бу юксак ишонч менга янада катта масъулият юклайди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Шундай инсонлар борки, уларнинг умри нафақат ўзлари, балки оила-си, фарзандлари, маҳалла-қўй, юртдошлари ҳаётида чуқур из қолдиради. Шубҳасиз, бундай инсонлар меҳнат, илм, яхшилик, ҳалоллик, ватанпарварлик каби тушунчаларни ҳаётининг энг асосий тамойилларига айлантирадилар.

Ана шундай устозлардан бири Одилжон Эргашев Андижон педагогика билим юртини тугатгач, меҳнат фаолиятини Андижон шаҳридаги 18-умум-



1974 йилларда кимё-биология, жисмоний тарбия ва спорт факультетларини бошқарди.

улуш қўйиш ҳаётини мақсаддир. Бунга мисол қилиб, биология фанлари доктори, профессор Акмал Қосимов раҳбарлигида олиб борган пахтачиликни ривожлантириш учун биостимуляторлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотларни кўрсатиш мумкин. Бу Балиқчи туманидаги «Бўстон» хўжалигида илмий изланишларимизнинг уч йиллик натижаларига кўра, уч миллион сўмдан ортиқ иқтисодий

Ta'lim fidoyilari

САБОФИ — ҲИКМАТ

Ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол авлод бўлиб вояга етишишларида миллий кадрларимиз, тарбиявий аҳамиятга эга ўрнатиларимизнинг ўрни беқисс.

Шу каби аъёнларни ёш авлод онгига сингдиришда Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети «Маънавият асослари ва диншунослик» кафедраси жамоасининг ҳиссаси катта. Талаба-ёшларга бой маънавий меросимизни назарий ва амалий жиҳатдан ўргатиб келётган устозлардан бири — кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Абдурахмоновдир.

М. Абдурахмонов 1940 йилда таваллуд топган. Мактабни тугатгани Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги университет) да тарих йўналиши бўйича тахсил олди. Меҳнат фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлаган М. Абдурахмонов кейинчалик Тошкент давлат техника университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институтини тугатган устоз талабалар билан ишлаш, улар орасидан



иқтидорли ёшларни танлаб олиш ва «Устозшогирд» фаолиятини йўлга қўйишга масъулият билан ёндашади.

Ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган олимларнинг ўргатган илмлари, ҳаётини сабоқлари ёшларнинг маънавий баркамол бўлиб вояга етишишларида асос бўлиб хизмат қилади. Ҳаёт мактабини босиб ўтган тажрибали устоз Муҳаммаджон Абдурахмоновнинг «Устоз—шогирд» мактабидан ҳам кўпгина иқтидорли ёшлар тарих, фалсафа, маънавият, маданиятшунослик мутахассислиги бўйича илмий салоҳиятини ошириб, изланишлар олиб бормоқда.

Устоз 2000 йилдан буён «Маънавият асослари ва диншунослик» кафедраси мудири сифатида ёш мутахассислар билан илмий-амалий анжуманларда, давлат сўхбатларида, тала-

ба-ёшлар билан дарс жараёнларида долзарб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашиб келмоқда.

М. Абдурахмонов талабалар билан учрашувларда бўладими, маҳалла аҳли даврасида ёки вилоятлардаги сафарларда бўладими, ҳаммаша миллий кадрларимизни тарғиб этиб, ёшларни шу аъёнларга ҳурмат руҳида тарбиялашга даъват этади.

Муҳаммаджон Абдурахмоновнинг маънавият, миллий ғоя, маданиятшунослик, одоб-ахлоққа оид 150 дан ортиқ илмий-услубий мақолалари республика матбуоти, хорижий илмий журналлар саҳифаларида чоп этилган. Олим тиниб-тинчимайдиган, мақсадга етиш учун ҳаракат қиладиган, масъулиятни ҳис этадиган, жамоаси муваффақиятидан беҳад хурсанд бўладиган инсон.

Устознинг ибратли одатларидан бири ҳеч кимга ҳеч қачон овозини баландлатиб муомала қилмайди. Жамоадаги ёш тадқиқотчилардан ўз маслаҳатларини аямайди. Ана шундай юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлган устоз Муҳаммаджон Абдурахмонов ёш авлодга, эндигина илм йўлига қадам қўйган ёш ҳамкасбларига ўз тажрибаларини ўргатишдан чарчамайди.

А. ЗАЙНИТДИНОВА,
ЎзМУ доценти

БАХТИ ШОГИРДЛАР КАМОЛИДА

таълим мактабидан бошланғич синф ўқитувчилигидан бошлади. 1949-1954 йилларда Самарқанд давлат университетининг биология-тупроқшунослик факультетига ўқиди. 1959 йилдан бошлаб меҳнат фаолияти Андижон давлат педагогика институтини (ҳозирги АнДУ) билан боғланди. У ЎзРФА тупроқшунослик илмий-текшириш институтини аспирантурасига киргач, 1965 йили «Шўр ювишда сув ва тузларнинг ҳаракатланиш қонуниятлари» мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Унинг Андижон давлат педагогика институтининг фаолияти қишлоқ хўжалик асослари, кимё кафедраларида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади, 1965-

Одилжон Эргашев ўзининг ижодкорлик қобилияти туфайли 15дан ортиқ илмий-оммабоп китоблар, 130дан ортиқ мақолаларини илм аҳлига, талабалар, ўқувчи-ёшларга етказди. 2001 йилда эса унинг 1—4-синфларга мўлжалланган «Конституция алифбоси» ўқув-услубий кўлланмаси нашрдан чиқди. Қўлланманинг 8 тилга таржима қилиниб, ҳозирги кунда ҳам фойдаланилаётганлиги янада қувончлидир.

Устоз ҳамон тиним билмайди, турли соҳаларга қизиқади, таълим бериш, ижод билан чегараланиб қолмайди.

— Мен учун ҳаммаша янгиликка интилиб яшаш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга заррача бўлса-да,

самара келтирди. Яхшиларга эргашиб муродимга етдим. Агар умрим давомида ёшларни тарбиялашга, уларнинг қалбига яхшилик уруғини сочишларини, инсонийлик фазилатларини сингдиришга ҳисса қўша олган бўлсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Бу бахтни, энг аввало, шогирдларим камолида кўраман, — дейди О. Эргашев.

Агар инсон ўзгаларга ёмонликни раво кўрмай яшаса, ҳасадгўйлик гирдобидан сақланса, турмуш чорраҳаларида юз берадиган кўнглисиз ҳолатлардан тушкунликка тушмаса, ҳаётини илм олиш, хунар ўрганишга сарфласа, бу унинг бахту саодатидир. Одилжон Эргашев ана шу бахтга эриша олди.

Ботиржон ҒОФУРОВ

КАТТА СИНОВ ОЛДИДАГИ ТАЙЁРГАРЛИК

«Universiada—2010»

Бу йил Андижон шаҳрида ўтадиган «Универсиада — 2010» спорт беллашувларининг бошланишига санокли кунлар қолди. Бу катта синовга сурхондарёлик талабалар қандай тайёргарлик кўрмоқда, деган саволга жавоб излаб, вилоятда ягона бўлган Термиз давлат университетида бўлди.

«Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси» кафедрасидан бу масала билан спорт клуби мудири Ҳабибулло Шарипов шугулланаётганини билдик. У бизни бугун машғулотлар ўтаётган спорт объектларига бошлади.

— Ёшларимизнинг иқтидорини, истеъдодини намойиш қилишлари

учун барча шароитлар яратилганидан мамнунмиз. Белбоғли курашнинг ватани бўлган Андижондан яхши натижа билан қайтиш учун барча куч ва имкониятларимизни ишга соляпмиз. 4 вазн тоифасидаги полвонларимиз Алишер Мирзаев (66 кг.), Ўткир Мингмаматов (90 кг.), Элмурод Жумаев (90 кг.), Отабек Чориев (81 кг.) билан кунига бир неча марта машқ қиляпмиз. Улар илгари ҳам вилоят, республика миқёсидаги курашларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб, етарли тажриба тўплашган. Шогирдларимда куч, билим, маҳорат ва чағдастлик етарли, — дейди ишонч билан белбоғли

кураш бўйича мураббий Қувондиқ Мамадиёров.

Университетнинг спорт залида миллий кураш бўйича таниқли мураббий Панжи Тўраев тайёргарлик машғулотларини олиб бораётганини кўрдик.

— 4та вазн бўйича машғулотлар қизғин ўтказилмоқда. Жаҳонгир Бобохонов, Ҳамро Пиримқулов, Бекзод Курбонов, Умид Жўраев медал сохиблари бўлишига умид қиляпмиз. Полвонларимизнинг руҳи баланд, — дейди бу борада мураббий.

— Тайёргарликка илмий-методик жиҳатдан ёрдам беряпман. Жами 12 турдан 15 жамоа тайёрланмоқда. Уларнинг 50 нафардан ортиги қиз-

лар. Сузиш бўйича Ирина Маматқулова, Екатерина Понявина, Наталья Карюкова, баскетболдан Венера Курманаева, шахматдан Ирода Иброҳимова, Гулраба Ҳошимова вилоятимиз шарафини ҳимоя қила олишларига ишончим комил, — дейди педагогика фанлари номзоди Қудрат Алиев.

Хуллас, университет ректори Мамат Ҳайдаров раҳбарлигида мураббий ва шогирдлар катта даврага тушиш учун барча куч ва имкониятларни ишга солишмоқда. Натيجани эса универсиада ҳал қилади.

Норқувват Тўраев,
«Ma'rifat» мухбири

Термиз

ЧЕМПИОН ОПА-СИНГИЛЛАР

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни мустақил фикрлаш ва соғлом турмуш тарзига ўргатишда мактабдан ташқари машғулотлар — санъат ва спорт тўғрисидаги ишларнинг ўрни бўлакча. Шу боис ҳам юртимизда болалар спортини ривожлантириш, санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта аҳамият берилмоқда.

Озод ака кизини Бектемир тумани маданият уйида очилган спорт тўғрисидаги бошлаб борганида, Махлиё 9 ёшда эди. Унинг машғулоти ҳақидаги таассуротлари олти ёшли синглиси Хуршиданинг қизиқишига ҳам туртки бўлди. Спорт мураббийлари тўғрисида етти ёшдан олиншини маълум қилса-да, Хуршиданинг жажжи нигоҳи

даги интилиш сўнмаслиги учун машғулотларни четдан кўришга рухсат берилди. Аммо у шунчаки кузатувчи бўлиб қолмади. Бошқалар бажарган машқларни имкон даражасида қайтарди.

Мана, икки йилдирки, опа-сингиллар дарсдан кейин тўғрисида боришни канда қилмайди. Эндиликда кичкина Асадбек ҳам спорт билан шугулланишни истаб қолди.

— Пойтахтимиздаги 293-мактабда ўқийдиган опа-сингилларнинг интилиши ўз самарасини берди, — дейди кизларнинг мураббийи Моҳира Айтбоева. — Яқинда ўзбек жанг санъати бўйича Қарши шаҳрида ўтказилган «Амир Темур кубоги» мусобақаларининг

комплекс машқлар баҳсида Махлиё олтин, Хуршида эса кумуш медални қўлга киритди.

— М.Тўрабоева фанларни ўзлаштиришда, мактабдаги тадбирларда иштирок этишда ҳам тенгдошларига ўрнатилмади, — дейди Махлиёнинг мактабдаги ўқитувчиси Дилором Умрзоқова. — У «Камалак» болалар ташкилотининг синфимиздаги сардори ҳам.

— Х.Тўрабоева ҳам опасидан сира қолишмайди. У маълумотни тез қабул қила олади, характерида қатъият бор. Хулқи яхши, ўқиши аъло. Шу сабаб, ёш бўлишларига қарамай, опа-сингил чемпион бўлишга улгурди.

Байрам АЙТМУРОДОВ
Суратда: 293-мактаб ўқувчилари — Махлиё ва Хуршида Тўрабоева.

Iqtidorli sportchilar



1-ГУРУҲ ВА 1-ЎЙИЧ АНИҚ. 1-ЎРИН-ЧИ?!

Келгуси йилнинг дастлабки ойида, аниқроғи, 7—29 январь кунлари ўтадиган футбол бўйича Осиё кубоги (Asian Cup—2011) баҳсларида миллий терма жамоамиз ҳар доимгидек иштирок этиш имкониятини қўлга киритган.

Қатар пойтахти Доха шаҳрида чинакам футбол спектаклларини ташкил этишдан олдин бир «расмиятчилик» амалга оширилиши талаб этилади. Бу, англаганингиздек — футбол бўйича Осиё кубоги мусобақасига қуръа ташлаш маросимидир. Унда тўрт гуруҳга саралаб олинган 16та терма жамоа навбатдаги қитъа чемпионини аниқлаб беради.

Яқиндагина Вадим Абрамов шогирдларига айланган ҳамюртларимиз ташкил этувчи Ўзбекистон номи «А» гуруҳидан ўрин олди. Маскур кватретда мезбонлар жамоа-

си — Қатар, Кувейт ва Хитой Халқ Республикаси чарм тўп усталари плей-офф масаласини ҳал қилиш учун ўзаро баҳслашади.

Энг қизиғи, вакилларимиз гуруҳдаги дастлабки ўйинни 7 январь кунини Осиё кубогининг тантанали очилиш маросимида кейин Қатар миллий терма жамоасига қарши ўтказилади. Бу ҳар иккала томон ҳам бутун дунёнигоҳида бўлади, деганини билдиради. Масъулият ва босим ҳам шунга яраша бўлиши табиий.

Қатар жамоаси бизнинг азалий рақибимиз, десак муболага бўлмайди. Гоҳ улар, гоҳ биз зафар кучиб келганмиз. Тошкентда ўтказилган энг охириги баҳсда эришилган 4:0 ҳисобидаги муваффақият футбол иш-

қибозлари ёдида бўлса керак. Мезбонлар ҳам реванш олиш пайида юрган бўлиши аниқ. Бир сўз билан айтганда, Осиё кубоги илк ўйини биланоқ қайноқ ўтиши табиий.

Футболчиларимиз гуруҳдаги қолган икки матчни 12 январда Кувейтга ва 16 январда Хитой футболчиларига қарши ўтказилади.

Қолган учта гуруҳдаги вазият бироз чигал кўриниш олди, кучли жамоалар бир эмас, иккита гуруҳга тўпланиб қолди. «В» гуруҳидан Япония, Саудия Арабистони, Иордания ва Сурия жамоалари жой эгаллаган бўлса, том маънода «ўлим гуруҳи» дея эътироф этилаётган «С» гуруҳида Жанубий Корея, Австралия, Баҳрайн ва Ҳиндистон терма жамоа-

ларининг номлари битилган. Қитъамизнинг амалдаги чемпиони Ироқ «Д» гуруҳини бошлаб беради, улар Корея Халқ Демократик Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Эрон футболчилари билан тўп суради. Ушбу тўртликни ҳам бемалол «ўлим гуруҳи» деб номлашимиз мумкин. Зеро, воқеалар ривожига кўра, бу тўрт терма жамоа орасидан қай бирлари (мусобақа Низомида ёзилишича, плей-офф учун йўлланма гуруҳдаги иккита жамоага берилади) чорак финалга чиқишини ҳеч ким башорат қилиб беролмапти.

Биз нима бўлишдан қатъи назар, футболчиларимизга ва ўзбек футболчиларига Доха яшил майдонларида галабалар завқи мудом ёр бўлишини тилаймиз.
Зоҳиджон ХОЛОВ

Osiyo kubogi — 2011



«РОЛАН ГАРРОС» ТУРНИРИ КАНДАЙ ЎТАДИ?

Бельгиялик таниқли теннисчи Ким Клейстерс кутилмаган жароҳат сабаб Франция Очiq чемпионатини ўтказиб юбориши мумкин, дея хабар берди «АФП».

Клейстерс эстониялик рақибаси Марет Анига қарши кечаётган матчда чап оёғидан оғир жароҳат олди. Шифокорларнинг маълум қилишича, энди у камидан олти ҳафта даволаниши лозим.

— Кимдир бу вақтдан кўра олдинроқ соғайиб кетиши мумкин, аммо биз таваққал қилмаймиз, — деди физиотерапевт Сэм Варслегерс журналистларга берган интервюсида. — Биз бу теннисчининг тикланиш жараёнини секин-секин амалга ошириб боришга қарор қилдик. Шунинг учун ҳам Кимнинг қачон катта теннисга қайтишини аниқ айтиш мушкул масаладир.

Клейстерс икки йиллик танаффусдан кейин яқиндагина профессионал теннис оламига қайтган ва оз муддат ичида 2та турнирда зафар кучишга улгурган (Брисбен ва Майами). «Ролан Гаррос» эса 23 майда старт олади.

РУНИ — АНГЛИЯДА ТЕНГСИЗ!

Бир неча мавсумдан буён ажойиб ҳаракатлари билан дунё футбол ихлосмандлари назарига тушган Уэйн Руни кутилмаганда жароҳат олиб, сафдан чиқишга мажбур бўлган. Бироқ, шунга қарамай, Англия терма жамоаси ва «Манчестер Юнайтед» клуби ҳужумчиси премьер лиганинг 2009/10 мавсумдаги «Энг яхши ўйинчиси» дея топилди.

Маскур қарор Профессионал футболчилар ассоциацияси томонидан ўтказилган сўровномада аниқлангани дикҳатта сазовордир (PFA). Айни дамда 24 баҳорни қаршилаган иқтидорли футболчи жорий йилда Жанубий Африка Республикасида ўтказилган мундиалга қадар спорт формасини тиклаб олиши зарур. Жаҳон чемпионатининг Рунига ўтиши инглизлар қатори бошқа юртдаги футбол иштиёқмандларини ҳам ташвишга солади.

Ушбу нуфузли соврин, шубҳасиз, Рунининг руҳий дадиллашувида катта аҳамиятга эга. «Мен ўзимни яхши ҳис қиляпман, — деди у. — Афсуски, клубимни оғир вақтда жароҳат туфайли тарк этишга мажбур бўлдим. Аммо соғайиб яна сафга қайтаётганимдан бахтиёрман».

Руни бу мавсумда рақиблар дарвозасини ҳаммаси бўлиб 34 бора ишғол қилди. Англия чемпионатининг иккинчи энг яхши ўйинчиси «Челси» ҳужумчиси Дидье Дрогба, 3-ўрин соҳиби эса «Арсенал» сардори Сеск Фабрегас деб топилди. «Астон Вилла» хавбеки Жеймс Милнер «Энг ёш ўйинчи» номинациясига лойиқ кўрилди.



Англия премьер лигасининг 2009/10 мавсумдаги рамзий терма жамоаси қуйида кўрсатилмоқда: Жо Харт, Бранислав Иванович, Томас Вермален, Ричард Данн, Патрис Эвра, Сеск Фабрегас, Жеймс Милнер, Даррен Флетчер, Антонио Валенсия, Уэйн Руни, Дидье Дрогба.

ЖОН РУИС БОКС БИЛАН ХАЙРЛАШДИ

Машҳур чарм қўлқоп соҳиби, супероғир вазн эгаси Жон Руис чемпионлик унвонини 12 мартаба қилмоқда қилга, катта ринг билан хайрлашишга қарор қилди, деб ёзди «Ассошиэтед Пресс» ахборот агентлиги.

38 ёшли боксчи ўзининг энг сўнгги муштлашувини, ёдингизда бор, 3 апрель кунини Англиянинг Манчестер шаҳрида британиялик яна бир донгдор спортчи Дэвид Хэйга қарши ўтказган ҳамда мағлубиятга учраган. Бу 18 йиллик узок боксчилик фаолиятига эга Руиснинг 54-жанги сифатида қайдномаларга киритилди, афсуски, WBA таснифи собик чемпионга 45-галаба армон бўлиб қолади. Руис фаолияти давомида Эвандер Холифилд (2001 й.), Хасим Раҳмон (2003й.) ва Тони Такер (1998 й.)дек дунёни лол қолдирган боксчиларни мағлубиятга учратган. Николай Валуевдан эса икки бора мағлуб бўлган (2008, 2005).

Махлиё АЛИҚУЛОВА ва
Дурдона СУЛТОНОВА тайёрладилар.





БАДИЙ ГИМНАСТИКА: ҚИЗЛАРНИНГ СЕВИМЛИ СПОРТИ

Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор нафақат шаҳар ва қишлоқларда, балки энг чекка овулларда ҳам замонавий спорт иншоотларининг қад ростлашида, спортчи-ёшлар сафи кенгайиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Буни Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, Нукус шаҳридаги тўртта болалар ва ўсмирлар спорт мактабида, шунингдек, "Прогресс" тил ўрганиш марказида, Нукус олимпия захиралари спорт коллежи, 16-, 34-умумтаълим мактаблари ҳамда 35-мактабгача таълим муассасасида бадий гимнастика машғулоти олиб


борилмоқда. Мазкур муассасалардаги спорт заллари ва машғулот хоналари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан махсус гиламлар, булава, обруч, лента, копток, скакалка каби зарур инвентарлар билан тўлиқ таъминланган.

Шаҳарда жами 33 минг 945 нафар қиз спортга жалб этилган бўлиб, улар асосан волейбол, баскетбол, миллий кураш, энгил атлетика, спорт гимнастикаси машғулотида қатнашмоқда. Айти пайтда 200 нафардан зиёд қиз бадий гимнастика

билан мунтазам шуғулланаётир. Кейинги пайтда спортнинг ушбу турига қизлар ўртасида катта қизиқиш пайдо бўлаётгани, натижада бадий гимнастикачилар сони ошиб бораётгани қувонарлидир. Уларга саккиз нафар малакали мураббий устозлик қилмоқда. Мураббийларнинг 6 нафари олий маълумотли, ўз касбининг фидойиларидир.

Суратларда: Нукус олимпия захиралари спорт коллежида бадий гимнастика машғулотида лавҳалар.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва fan xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

**Bosh muharrir vazifasini
vaqtincha bajaruvchi:
Bahodir JOVLIYEV**

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Xurshid DO'STMUHAMEDOV, Akmal
ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),
Abdusamat RAHIMOV, Nurlan
USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari,
"Учитель Узбекистана"), Aleksey
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель
Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

**Gazeta
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.**

**INDEKS: 149, 150. G-322.
Tiraji 40954.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.**

Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA.
Navbatchi:
Baxtiyor YOQUBOV.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

**MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.**

**E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz**

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

**Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.**

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
ЎЗА яқуни — 21.00